




# POSTDA

ГАЗЕТА 1930 ИИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 25 март, шанба • 12 (3646)-сон



## АНДА ЖОНИМ

(Андижон воқеаларининг бир йиллигига бағишланади)

Ўзга юртдан ўз элига,  
Эзгуликлар тилаган,  
Йиғлаб туриб ҳинд боласин,  
Бошгинасин силаган,

От устида ҳазрат Бобур,  
Андижонга қарайди.  
Унинг ўксик юрагини,  
Минг бир савол ўрайди:

— Хиёнатнинг кўчасида  
Бош кўтарган, нобакор.  
Бобонг бўлиб сенга айтар  
Икки оғиз гапим бор.

Шунчалик ҳам разолатнинг  
Ботқоғига ботдингми?  
Сенинг тинчинг уйлаган ёш  
Аскарга ўқ отдингми?!

Қабримда тинч ётган эдим,  
Қилиб қўйдинг-а бедор.  
Қуримаган кўз ёшларим  
Бўлди яна шашқатор.

## ЎТГАН КУН...

Тўғри йўлдан оғдирганлар  
Касмиди ё нокасмиди?  
Бир уруғга биттагина  
Абдуллатиф етмасми?!

Ватан — Она дейдилар-ку,  
Ота-онанг сотмагин.  
Сен ҳам менинг жон боламсан,  
Болам, мени отмагин!

Эркин САТТОРОВ.



# POSTDA-TV



**МУНАЖЖИМЛАР  
БАШОРАТИ**  
Келгуси ҳафта учун



# ДОЛЗАРЪ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиши: тартиби ва муаммолари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидан сенаторлар, депутатлар, республика Олий Суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати вакиллари, ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлири олимлари, шунингдек, прокурорлар, терговчилар, адвокатлар, судьялар иштирок этишди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони бажарилиши борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар, муаммоларни ҳал этиш юзасидан фикрлар билдирилди. Мавзу юзасидан савол-жавоблар бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Маълумки, гарчи ер юзининг тўртдан уч қисми сувдан иборат бўлса-да, ичимлик суви унинг икки фоиздан сал кўпини ташкил этади. Инсонлар истеъмол қилиши учун яроқли сув эса катта муаммога айланиб боряпти. Чунки ичимлик сувини исроф бўлишига йўл қўйилаётгани ҳақида маълумотлар кўп. Одам сув билан тиррик экан, уни кўпайтириш, асраш, беҳудага исроф қилмаслик ҳақида ҳам қайғуриш керак. 22 мартни бутун дунёда Халқаро тоза сув куни, деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас.*

Сув манбаларининг санитария муҳофазаси муҳим комплекс вазифа бўлиб, уларнинг бажарилиши, биринчидан, аҳолининг тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондирса, иккинчидан, саломатлигини сақлашга имкон беради. Сув тўғрисида амалдаги қонунда аҳолини тоза оби-ҳаёт билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, унинг сифатига катта аҳамият берилди. Қонунбузарларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаш, агар оммавий касалланиш ҳолатлари кузатилса, жиний жавобгарликка тортиш белгиланган.

Ҳозирги кунда республикада аҳоли орасида сув орқали юқувчи касалликларнинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ички ишлар идораларида хизмат қилувчи шахсий таркиб

соғлигини ҳимоя қилиш, уларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида санитария нуқтаи назаридан тақлифлар берилмоқда. Ичимлик сувининг бактериологик кўрсаткичларини аниқлашда, сифатли ичимлик суви таъминотини назорат қилишда ИИБ санитария-эпидемиология назорат марказлари ходимлари ичимлик сувидан мунтазам намуналар олиб, таҳлилларга гигиеник хулосалар бермоқдалар.

Ичимлик сувини асраш, ундан оқилона фойдаланиш ҳар бир инсоннинг келажак авлод олдида турган бурчи эканини унутмаслигимиз керак.

**Д. Тўраназаров,**

*ИИБ Бош санитария шифокори,  
полковник.*

## ОБИ ҲАЁТ ИСРОФ БЎЛМАСИН

Шу ўринда республикада аҳолисининг ичимлик сувига бўлган муносабати ҳақида бир-икки оғиз сўз айтиш жоиз, албатта. Ўтган асрнинг 60 йилларига пойтахтимиздаги ариқ, каналлардан зилол сув оққан, аҳоли истеъмол учун фойдаланган.

Водопровод суви келтирилгандан кейин ариқлардаги сувларга эътибор бермай қўйилган. Ариқлар тозаланмай, ахлат билан тўла бошлаган. Ҳозир ҳам ана шу сув йўллари оби-ҳаёт билан таъминлайдиган манбаларга тоғдан зилол сув қуйилади. Афсуски, шаҳардан чиқиб кетаётгандаги аҳолига ачинасан, киши. У ҳам етмагандек, айрим даҳа, мавзелардаги сув йўллари кўмиб ташлангани учун аҳоли гулзор, даракларни сугоришда водопровод сувидан фойдаланади. Яқин-яқингача шаҳардаги автомобиль ювадиган шохобчалар тоза сувни ишлатарди. Шаҳар ҳокимлигининг қарори билан бу исрофгарчиликка чек қўйилди. Айрим вилоят марказлари, йирик шаҳарларда ҳам сувдан оқилона фойдаланишга эътибор берилмаётгани ташвишли ҳолдир.

Сув – Аллоҳ томонидан инсон учун яратилган бебаҳо неъмат. Уни исроф қилиш гуноҳ ҳисобланади. Ҳатто таҳорат олаётган киши сувни кўпроқ ишлатиб, уни исроф қилса, таҳорати мукамал ҳисобланмаслиги айтилади.

Истеъмол учун фойдаланидиган ичимлик сувини асраб-авайлашимиз, ундан оқилона фойдаланишимиз, фарзандларимизга ҳуда-беҳуда ишлатмаслик кераклигини тушунтиришимиз ва ўзимиз ўрнатилган бўлишимиз керак.



## КИНОЛОГЛАР КЕНГАШИ

Яқинда Жиззах шаҳар, Дўстлик ва Мирзачўл туманлари ички ишлар бўлимлари кинологлари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати бошлиғи, майор Т. Хусанов сўзга чиқиб, олиб борилган ишларни янада жонлантириш, барча ички ишлар идораларида питомникларни талаб даражасида барпо этиш, кинологларнинг маънавиятини ошириш, хизмат итлари самарадорлигига эришиш ва жиноятчиликка қарши курашда улардан

унумли фойдаланиш каби масалаларга тўхталди. Таъкидлаш жоизки, 2005 йил давомда вилоят бўйича хизмат итлари ёрдамида воқеа жойига 320 марта чиқилиб, 130 тага яқин жиноят очилган. Жойларда 110 та тўрт оёқли кўмакчилар фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, кичик сержантлар М. Жонзоқов, Х. Очилов, Н. Мамараҳимов, Б. Алимовлар ўзларининг «Граф», «Барон», «Норд», «Арна» лақабли хизмат итлари билан яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Семинар иштирокчилари дастлаб Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими питомнигида яратилган шароит билан яқиндан танишишди. Сўнгра Дўстлик ва Мирзачўл туманлари ички ишлар бўлимлари питомникларини бориб кўришди. Бу жойлардаги кинологларнинг саъй-ҳаракатлари ва амалий ишлари иштирокчиларга намуна қилиб кўрсатилди. Шундан кейин ўқув машғулотлари ўтказилди.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ,**  
*капитан.*

### «ТОЗАЛАШ – АНТИТЕРРОР»

## ТАДБИР ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

**Эл тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти ички ишлар идоралари томонидан «Тозалаш – Антитеррор» профилактик тадбири ўтказилмоқда.**

Тадбир давомида вилоят ҳудудида содир этилган жиноятларнинг 79 таси «иссиғида» қош этилди. Аввал жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган 4 нафар шахс ушланди. Фуқаролар ғайриқонуний равишда сақлаётган 10 та ўқотар қурол, 4 дона ўқ-дори мусодара қилинди. Гиёҳвандлик домига тушиб қолган кимсалардан 7,5 килога яқин оғу олинди, йўқ қилинди.

Фуқаролар ўз мулкларини дахлсиз сақлашни кўп вақтларда унуттишмоқда. Қишлоқ жойларида қорамоллар далада қаровсиз қолдирилиши оқибатида ўғрилик учун қулай шароит яратилмоқда. Масалан, Қамашчи туманидаги

«Лангар» фермер хўжаликлари уюшмаси, Қаранқул қишлоғида яшовчи М. Сариев бир бош отини номаълум шахслар хўжалик дасидан ўғирлаб кетишгани ҳақида бир ой ўтиб ариза беради.

Излар босилган бўлса-да, изқуварлар олиб борган суриштирувлар натижасида жиноят очилди. От ўғриси, жабрдийданинг қишлоқдоши М. қўлга олинди. Бундан ташқари, шу йил 24 февраль кунини Нишон туманида яшовчи Ж. уйда «Иж» русумли, 16 калибрли ов милтигини яширин равишда сақлаб келатгани аниқланди. Ана шуларни ҳисобга олиб, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш

билан бирга маҳалла-кўй, оқсоқоллар ҳамда кўчабошилар ҳамкорлигида тунги қоровуллик ташкил этилди.

Ҳар бир фуқаро ўз маҳалласининг осойишталиги учун курашиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашса, содир этилиши мумкин бўлган барча кўринишдаги жиноятларнинг пайи қирқилади. Бу борада фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла посбонлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари ҳуқуқ-тартибот посбонларига яқиндан ёрдам беришяпти. Тадбир давомида биргаликда нотинч оилалар, муқаддам судланганлар билан назорат тартибда тушунтириш ишлари олиб борилапти. Шунингдек, узоқ муддатга кетиб қолган шахслар аниқланиб, қайтиб келган фуқаролар билан яқин тартибда суҳбатлар ўтказилмоқда. Кўп қаватли уйларда ноқонуний яшаётган фуқароларни аниқлаш, уларга нисбатан маъмурий чоралар кўриш, эгасиз қолдирилган иморатларни доимий назоратга олиш ҳам диққат марказида. Бунинг натижаси ўлароқ, жойларда қонунбузарлик ва жиноятлар барҳам топмоқда.

**Б. БЕКМУРОДОВ,**  
*катта лейтенант.*

## ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

**Тошкент вилояти ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ҳудудда осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида кенг жамоатчилик кўмағида «Тозалаш» профилактик тадбири ўтказилмоқда. Тадбир иштирокчилари автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланган. Содир этилган жиноятларни фош этишда ўттиздан ортиқ хизмат итлари яқиндан ёрдам бермоқда.**

Ўртачирчиқ тумани ИИБ ходимлари Кучлик даҳасида яшовчи Б. Кўчқорни шубҳа уйғотгани учун текшириляётганда, «Леги» лақабли хизмат ити безовталаниб қолди. Холислар иштирокида кўздан кечирилганда унинг чўнтағида оқ кукунсимон модда борлиги маълум бўлди. Экспертизада у героин эканлиги аниқланди.

Янгийўл туманидаги Эски қовунчи қишлоғида яшовчи Қ. Ибрагим Р. Розага 0,09 грамм героинни сотаётган пайтда ушланди. Янгийўллик Н. Абдурашид 16 калибрли ов милтигини ноқонуний равишда уйда сақлаётгани тадбир жараёнида маълум бўлди.

Тадбир самарали бўлиши учун гуруҳлар ташкил этилиб, доимий равишда рейдлар ўтказиб борилмоқда. Ҳозиргача ҳудуддаги кўп қаватли уйлар, хонадонлар, гаражлар, ётоқхоналар, меҳмонхоналар ва бошқа объектлар текширилди. Паспорт тартиботи қоидаларини бузганлардан тегишли миқдорда жарима ундирилди.

Бундан ташқари тадбир давомида жиноят содир этиб, терговдан қочиб юрган элликлан ортиқ шахс ушланди. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида транспорт воситалари ҳаракати ва йўловчилар ҳам текшириб борилмоқда. Хуллас, «Тозалаш» ўз натижаларини бермоқда.

**Ш. АНВАРОВ,**  
*капитан.*

# ЧИНОЗДА ШУНДАЙ ГЎША БОР

**Наврўз тантаналарини чинозликлар ҳам кўтаринки руҳда қарши олишмоқда. Байрам тадбири ўтказилаётган Хўжа маҳалласининг «Отажон ҳожи ота» гузарига таширф буюрганимизда карнай-сурнай садолари, миллий либосдаги қиз-жувонлар ва болажонлар қувончидан кўнглимиз фарахбахш туйғуларга тўлди. Хусусий тадбиркор Қобил Маҳмудов томонидан барпо этилган ушбу мўъжазгина масканда нафақат тўй-тантаналар ва байрамлар ўтказишга мўлжалланган зал, балки маҳалла фуқаролар йиғини раиси, маҳалла посбонлари учун хоналар, шунингдек, сартарошхона, тикув цехи ўрин олган. 271-милиция таянч пункти ҳам шу ерда жойлашган бўлиб, ҳар бир хона замонавий таъмирланган, керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.**

лейбол, баскетбол ва бошқа спорт турлари билан шуғулланиб, жисмонан чиниқиб боришарди. Шунингдек, турли спорт тўғарақларида иштирок этишмоқда. 10 нафардан ортиқ қизлар эса тикув цехида чеварлик сирларини эгаллашарди.

Байрам тадбири давом этар экан, бир гуруҳ отахонлар даврасида ўтирган фуқаролар йиғини раиси Собир Раимовни суҳбатга тортидик.

– Айём муносабати билан маҳалламизда талайгина ишлар амалга оширилди, – деди у. – Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилди. Ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиб, имкон қадар кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қилдик. Мана, кўриб турганингиздек, байрам яхши ўтаяпти. Маҳалламиз тинч, осойишта. Профилактика катта инспектори, маҳалла посбонлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи, яраштириш комиссияси аъзолари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилаётганимиз яхши самара бераёпти. Катта лейтенант Саидмурод Саидрасуловнинг ҳозирги лавозимига тайинланганига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлса-да, ўз вазифаси-

га масъулият билан ёндашиши, касбга фидойилиги бизни хурсанд қилди.

Наврўз тантаналари, шод-хуррамлик, уйин-кулгу анча вақтгача давом этди. Туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан ногиронларга арава, уруш қатнашчиларига эшитиш мосламаси, кам таъминланган оилаларга эса моддий ёрдам берилди. Маҳалладаги иноқлик, ўзаро меҳроқибат ва миллий қадриятларимизга бўлган эътиборни кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Шунга амин бўлдики, тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган жойдагина гўзал анъаналар кўнгилларга сурур, бир олам завқ-шавқ бағишлайверади.

Умида БОЛЛИЕВА.

уларни албатта яраштиришга, оилани бузилиб кетишидан сақлаб қолишга ҳаракат қилаёلمиз. Бундан ташқари, ўсмирларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиб бориш мақсадида мактаб ўқитувчилари, ота-оналар билан яқин алоқа ўрнатилган.

**Тадбиркор Қ. Маҳмудов ҳомийлигида барпо этилган маскандан маҳалла фуқаролар йиғини раиси, маҳалла посбонлари учун хоналар, шунингдек, сартарошхона, тикув цехи ўрин олган.**

Гузарда спорт майдончаси барпо этилгани ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтишида муҳим ўрин тутмоқда. Бу ерда маҳалла ҳудудидаги 2 ва 40-ўрта мактабларнинг ўқувчилари футбол, во-

бири чуқур англаб етишади. Навқирон йигит Бехзод Абдуллаевни арзмаган сабаб билан нотаниш шахс пичоқлаб кетганди. Зудлик билан воқеа жойига етиб келган лейтенант Жўра Абраматов жабранувчини шифохонага элди. Афсуски, унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Қотилни қўлга олиш осон кечмади. Бутун маҳалла аҳли оёққа турди. Қисик кўз, тўладан келган, чопининг этагини қайтариб олган киши ҳақидаги маълумот профилактика инспекторини сергаклантирди. Жиноятчи узоққа кетолмади. Зийрак ходим уни бир кунда қўлга олди.

Маҳалла ҳудудида бирор жиноят содир этилса аҳоли ва маҳалла посбонлари ёрдамида тез очилаёпти. Энг муҳими, ҳуқуқбузарликлар ва жамоат тартиби бузилишларининг олди олинмоқда. Ана шу жиҳатлар инobatта олиниб, 142-милиция таянч пункти «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида 2-ўринга лойиқ деб топилди. Бу маҳаллада ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши кураш, соғлом турмуш тарзи ва намунали жамоат тартибини таъминлаш учун тиним билмай саъй-ҳаракат қилаётган лейтенант Жўра Абраматовнинг хизматига берилган юксак баҳо, эътирофдир.

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.



– Профилактика катта инспектори, маҳалла посбонлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилаётганимиз яхши самара бераёпти, – дейди фуқаролар йиғини раиси Собир Раимов.

## ФУҚАРОЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

**142-милиция таянч пункти Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Бобур маҳалласига хизмат кўрсатади. Ушбу гўша туман марказининг энг хушманзара, одамлар гавжум, бир қанча йирик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари жойлашган ҳудуд. Бу ерда «Шўрчи дон маҳсулотлари» корхонаси, туман пахта тозалаш заводи, машина-трактор саройи ва таъмирлаш устахоналари мавжуд.**

«Шўрчи дон маҳсулотлари» корхонаси мадади билан маҳалла ва милиция таянч пункти учун замонавий, кўркам бино ажратилди, таъмирлаб берилди. Шунингдек, компьютер техникаси, аудио-видео аппаратуралар, гиламлар, мебель ва стол-стуллар билан таъминланди. Бу ерда иш шароитини яхшилаш мақсадида корхона раҳбарияти яна 800 минг сўмлик турли хил жиҳозлар олиб беришга аҳд қилган. Ўз навбатида профилактика инспекторлари мазкур sanoatчилар шаҳарчасида осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши курашишда фаоллик кўрсатишмоқда. Айниқса, ўғирлик ва ташмачиликларга батамом чек қўйилаёпти.

Профилактика инспектори, лейтенант Жўра Абраматов бир неча йилдики, ушбу милиция таянч пунктида фаолият кўрсатиб келмоқда. Оддий чорвадор онласида таваллуд топган йигит ҳарбий хизматдан жанговар, жисмоний ва сиёсий тайёргарлик аълочилиги сифатида сержантлар тайёрлаш курсини битириб қайтганди. Бу эса ҳозирда хизматда қўл келмоқда.

Ж. Абраматов зиммасидаги вазибаларга ҳамиша масъулият би-

лан ёндашади. Тўғри-да, унга ишонч билдириб, шу ерга юборишдими, демак, буни оқлаши керак. Бироз эътиборсизлик қилса, ҳуқуқбузарлик содир этилиши мумкин. Бу дегани қайси-дир оила, қайси бир фуқаронинг оромини бузади, пировардида осойишталикка путур етказилади.

Профилактика инспектори Жўра Абраматов, маҳалла оқсоқоли Ҳаким Болтаев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Зуҳра Пардаева, «Маҳалла посбони» тузилмаси сардори Холназар Чўлбиевлар ҳамиша маҳалла аҳли қувончу ташвишлари билан ҳамнафас. Масканда тунги соқчилик ташкил этилиб, ҳар бир фуқаронинг фаоллиги оширилаётгани ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қўл келаяпти.

Маҳалла ҳудудида бемаҳалда юрган, ноҳўя хатти-ҳаракат қилган, жамоат тартибини бузган ҳеч бир фуқаро эътиборсиз қолмайди. Ахир маҳалла шу ерда яшайдиганларнинг уйи, азиз гўшаси, Ватани. Шунинг учун ҳам «Ўз уйингни ўзинг асра» шиорининг моҳиятини бу ердагиларнинг ҳар

**Маҳалла шу ерда яшайдиганларнинг уйи, азиз гўшаси, Ватани.**

«Ҳаким ота» овул фуқаролар йиғини Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманининг жанубий томонида жойлашган. Ушбу ҳудудга «Али овул», «Дўстлик», «Қизил жар» «Уч ўзак» ва «Зайр» номли кичик маҳаллалар бирлашган бўлиб, жами 4500 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

## МЎЙНОҚЛИК АБЖИР ЙИГИТ

Уразбай Табулов 2004 йилдан буён мазкур овул фуқаролар йиғинида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардори бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Унга тўрт нафар маҳалла посбони яқиндан ёрдам бераёпти.

– Ҳаётнинг паст-баландини тушуниб етган, абжир йигитни бу лавозимга сайлаб хато қилмаган эканмиз, – деди овул оқсоқоли Қурбонбой Аметов. – У ўз атрофида кўнгилли йигитлардан йиға билди. Улар ёрдамида амалга оширилаётган тунги навбатчиликлар жиноятчиликнинг олдини олишда катта аҳамият касб этмоқда.

Овул фуқаролар йиғини котиби Нурқабул Бектурдиев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Манар Хайтимбетовалар ҳам у ҳақда илиқ сўзлар айтишди. Жумладан, ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ёшларнинг

бўш вақтини унумли ўтказиш, мактаблардаги спорт тўғарақлари мунтазам ишлашини назорат қилиш ва турли хил мусобақалар ташкил этишда ташкилотчилик қобилиятини намоён этаётганини таъкидлашди.

Ўтган йил давомида профилактика инспектори, катта лейтенант К. Ундалиев «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардори бошчилигидаги ишончли кўмакчилар ёрдамида бир неча жиноятнинг олди олинди ва содир этилганлари ўз вақтида очилишига эришилди. Ана шундай фидойилик намуналарини кўрсатаётган Уразбай Табулов «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг «Энг фаол маҳалла посбони» йўналиши бўйича голиб деб топилди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

## ГАЗЧИЛАРНИНГ БАЙРАМ СОВҒАСИ

**Бу йилги Наврўз қашқадарёликлар учун унутилмас, чин маънодаги баҳор шодиёнасига айланди. Воҳа ҳудудида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган ички ишлар ходимлари ҳам ушбу шуқуҳли лаҳзалардан бебаҳра қолишгани йўқ.**

Ёдингизда бўлса, Муборак тумани «Тонг» маҳалласидаги 274-милиция таянч пункти «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида биринчи ўринни қўлга киритиб, биринчи даражали диплом ва «Дамас» автомашинаси билан тақдирланган эди. Айём куни туман газчилари ушбу масканга ўз ҳисобларидан яна битта «Матиз» автомашинасини совға қилишди. Шундан сўнг милиция таянч пункти қошида

қад ростлаган бахт уйига таширф буюрган бир гуруҳ келин-куёвларга вилоят ва туман ҳокимликларининг қимматбаҳо эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди. Абдукарим Юлбарисов номидаги ёшлар спорт мажмуасида тарбияланаётган ёш спортчиларнинг чиқишлари тантананага ўзгача руҳ бахш этди.

Б. ЭРГАШЕВ, лейтенант.

*Кейинги пайтда болалар китобга қизиқмай кўйди, компьютер уларни китобдан ажратиб олмоқда, деган ташвишли гаплар тез-тез қулоққа чалиниб турибди. Матбуотда ҳам бот-бот долзарб мавзуга айланаётган бу масала юзасидан Ўзбекистон халқ шоири, болаларнинг севимли адиби Анвар ОБИДЖОН ўз фикрларини куйидагича баён этди.*

— Болаларни, умуман катталарни ҳам китоб ўқишга жалб этиш масаласи бугун кўтарилган муаммо эмас. Айниқса, бозор иқтисодиёти кириб кела бошлагандан кейин тез-тез тилга олинган бўлиб қолди. Бозор иқтисодиётида харидорларнинг диди, талаби ўзгариб, ошиб бораверади. Сотувчи молини чиройли қоғозларга ўраб, кишиларнинг кўзига ярқ этиб кўринадиган ёрликлар қўйиб, бежирим қутига солиб қўйса, харидор дарров топилади. Аксинча бўлса-чи, бозорнинг энг олди моли бўлсин, қуп-қуруқ тураверса, ҳеч кимнинг назарига тушмайди.

Китоблар ҳам ана шундай. Ялтироқ муқовада, чиройли расм чизилган китоб билан оддий, кўримсизини ёнма-ён қўйинг. Албатта, боланинг кўзи қувнаб, товляниб турганини олади. Яна бир томони болаларни жалб этиш учун иложли борица ҳар варағи рангли расмлар билан безатилиши лозим. Ана шунда болалар қизиқиб ўқийди, томоша қилади.

Энди бизда болаларга мўлжаллаб чоп этилаётган китобларни оладиган бўлсак, ана шу талабларга жавоб беради, деб айтолмаймиз. Китобнинг муқовасида, гоҳида ичида бир-иккита расм бўлади, холос. Қолган 50-100 бети ҳикоялар, шеърлар ёки қисса бўлади. Бунда бола зерикади, китобни охиригача ўқимайди, қизиқмайди.

Шуни унутмаслик керакки, болаларни зўрлаб, мажбурлаб китоб ўқитиб бўлмайди. Уни қизиқтириш, жалб этиш керак. Ҳар қандай болада мутолаага кўникма бўлса, кейин ўзи қизиқиб, ота-онасига китоб олиб беринг, деб мурожаат қилади. Бунинг учун ота-оналар болаларга бошланғич синфданоқ бадиий китоблар ўқиши учун шароит яратиб бериши, қизиқиш уйғотишлари керак.

Компьютер болани китобдан ажратиб оляпти, деган гапларга келсак. Бу ҳам бугун тугилган фикр эмас. Театр, кино пайдо бўлганда ҳам китобхонлар камайиб кетяпти, деган ташвиш бўлган. Айниқса, телевизор чиққанида эса болалар тайёр

кўрсатувни томоша қилади, китоб ўқимайди, дейишган. Бироқ болалар адабиётининг намояндалари, устоз ёзувчи ва шоирлар: Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Қудрат Ҳикмат, Пўлат Мўмин ва бошқаларнинг китоблари ўқувчилар қўлидан тушмасди. Маълум маънода болаларнинг китобхон бўлишига халақит қилаётган сабабларни инкор этиб бўлмайди. Лекин буни баҳонага йўйиш ҳам тўғри эмас. Чунки кино, театр, видео, компьютер ҳеч қачон китоб ўрнини босолмайди.



анъаналар руҳи билан суғорилган, нақшлар чизилган, эртақ қаҳрамонлари акс этган расмларга бой китоблар чиқарилиши керак. Бундай китоблар йўқ деб бўлмайди, лекин уларнинг сони кам. Ҳар бир чиққан янги китоб республикамизнинг энг чекка қишлоқларидаги болалар қўлига ҳам етиб бориши лозим.

# ФАРЗАНДИНГИЗ КИТОБХОН БЎЛСА...

Умуман дунёда айнан болалар учун ижод қиладиган шоир ва ёзувчилар кам. Жумладан, республикамизда ҳам санокли. Бу билан болалар учун асарлар кам ёзилгандек, китобни кам чоп этиш керак десак, хато бўлади. Матбаачилик анча ривожланган давлатларда, масалан Россияда ҳам Пушкин,

Бозор иқтисоди шароитида кийим-кечак, озиқ-овқат, қурилиш моллари ва бошқаларнинг савдоси гуркираяпти. Аммо китоб савдоси ҳақида бу фикрни айтиб бўлмайди. Пойтахтда, вилоят марказлари, йирик шаҳарларда китоб сотувчилар бор, лекин аҳолининг асосий қисми яшайдиган қишлоқларда йўқ ҳисоб.

Жаҳонда хусусий китоб сотувчилар катта кучни ташкил этади. Бизда ҳам буни кенг йўлга қўйиш керак. Тижоратчилар қишлоқ марказларига, мактабларга бориб янги асарлардан ўқувчиларни баҳраманд қилиши лозим.

Фарзандларига бадиий китоблар сотиб олиб берадиган ота-оналар кўп. Бироқ қимматлиги учун имкон тополмаётганлар ҳам бор. Ўзим Қўқон бозоридан юрганамда оддий деҳқоннинг ўғил-қизларига хоҳлаган китобини олиб бераётганининг гувоҳи бўлдим.

Янги нашрдан чиққан асарларни тарғибот-ташвиқот қилиш ҳам керак. Халқимиз рекламага анча ўрганиб қолди. Бунда оммавий ахборот воситалари ва матбуот нашрларининг ўрни катта. Аммо ҳозирги кунда республикамизда чоп этилаётган болалар ва ўсмирларнинг газета ҳамда журналлари ҳамма хонадонга

етиб бормаяпти. Бунинг сабаблари кўп. Асосан буна йўли билан тарқатилаётган бу нашрларнинг ҳам кенг сотувини йўлга қўйиш керак. Масалан, «Тонг юлдузи» газетасининг бир йиллик буна баҳоси айрим оилалар учун оғирлик қилади. Бироқ уни ҳар ҳафтадаги сонини сотиб олишга ота-она пул беради, албатта. Газетада эса янги китоблар ҳақида маълумот берилади, қизиқарли ташвиқотдан кейин болаларнинг кўпчилиги уни олиб ўқишга интилади.

Яқинда бир киши компьютердан болалар учун ҳикоя, шеърларни ҳам олиб ўқиш мумкин экан, деб қолди. Тўғри, компьютернинг имконияти кўп. Бироқ бари бир китоб ўрнини босолмайди. Биринчидан,

*...кино, театр, видео, компьютер ҳеч қачон китоб ўрнини босолмайди...*

экранидан ўқилгани ёки қоғозга чиқарилган ҳолдагиси китобдагидек жозоба беролмайди. Яна бир томони қимматбахо компьютер кўп оилаларда мавжуд эмас.

Гап умуман болалар китобхонлиги ҳақида кетар экан, бу жаҳоннинг аксар мамлакатларида муаммога айланган. ЮНЕСКО томонидан

2 апрель — Жаҳон болалар китобхонлиги куни деб эълон қилинган бежиз эмас. Республикамиз ҳукумати, шахсан Президентимиз томонидан китоб нашр этиш, савдоси ва жойларга тарқатишга катта эътибор берилаётгани боис, бу борада муайян силжишга эришилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Кичкинтойларимиз учун «Бекинмачоқ» деб номланган рангли, расмли журнал чиқди. «Чўлпон» нашриёти ҳам болалар учун журнал чоп этишни режалаштирган. Бу хайрли ишлар аввало, болаларнинг маънавиятини оширишга хизмат қилади, албатта.

Юқорида айтиб ўтганимдек, болада ёшлигидан, яъни боғчадан китоб ўқишга кўникма ҳосил қилиш ва мустақамлаб бориш керак. Бунда ота-она, боғча тарбиячилари, мактаб ўқитувчилари баравар ҳаракат қилиши лозим. Агар болада китобга кўникма ҳосил бўлса, улгайиб, катта бўлганда ҳам ундан ажралмайди. Китобни дўст тутар экан, у маънавияти юксак, баркамол инсон бўлиб етишади.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ**  
ёзиб олди.



Крилов асарлари, С. Маршак, С. Михалковларнинг китоблари қайта-қайта нашр қилинади. Шуниси эътиборлики, уларга ҳар гал янги расмлар, безаклар ишланади. Болаларни қизиқтириш, уларнинг диққатини жалб этиш учун шундай қилинади.

Бизда ҳам болалар учун яратилган асарлар, шунингдек, эртақ, ҳикоят, ривоятлар, достонлар бошқа халқларникидан кам эмас. Фақат уларни болаларга етказишдаги муаммоларни ҳал этиш керак. Чиройли безатилган, ранг-баранг расмларга тўла эртақлар тўплами ҳар қандай болани ўзига жалб қилади. Миллий

компьютер олдида болаларнинг кўп ўтириши мумкин эмаслигини яхши биламиз. Иккинчидан, болалар табиатига кўра ўйинчоқми, китобми, ҳамма нарсанинг аслини ушлаб кўришни, ўйнашни, ўзиники бўлишни яхши кўради. Шу жиҳатдан олганда болаларга китобнинг аслини бериш керак, ана шунда унга қизиқиш кучаяди. Ҳикоя ёки шеърнинг компьютернинг

### Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимларидаги ички ишлар ходимлари билан 2006 йилнинг II чораги давомида ўтказиладиган Маърифат дарслари мавзуларининг намунавий РЕЖАСИ

ТР	Мавзу номи	Ўтказиш вақти
1.	Соғлом авлод келажгимиз пойдевори. 7 апрель – Жаҳон саломатлик куни олтидан	3 апрель
2.	Амир Темур – буюк саркарда ва давлат арбоби	10 апрель
3.	Обидалар мозийдан сўзлар. 18 апрель – Халқаро ёдгорликлар ва тарихий жойларни асраш куни	17 апрель
4.	Ёшлар – миллат келажги. 24 апрель – Халқаро ёшлар бирдамлиги куни	24 апрель
5.	Миллий истиқлол ғояси – миллий мафкуранинг асоси	1 май
6.	Қадр топган қадрли инсонлар. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни	8 май
7.	Андижон воқеаси: сабаблар, сабоқлар ва мулоҳазалар	15 май
8.	Алихонтўра Соғунийнинг «Тарихи Муҳаммадия» асарининг миллий маънавиятимиз тарққиётида тутган ўрни	22 май
9.	Ўзбекистон болалари – билимли, бахтли ва саодатли бўлишсин	29 май
10.	Миллий маънавият ва миллат тарбияси	5 июнь
11.	Касб одоби – қалба бўлса...	12 июнь
12.	Раҳбарликнинг маънавий мезонлари	19 июнь
13.	Паҳлавон Маҳмуд – ўзбек курашининг рамзи, тимсоли	26 июнь

**Изоҳ:** мавзулар «Postda» газетасининг «Маърифат дарси» руқни остида бериб борилади. Вазиятдан келиб чиқиб улар раҳбарият розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати.

Маълумки, республикада мустақилликка эришгач, ўз тараққийёт йўлини белгилаб олди. Бунинг учун жамиятни юксалтириш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, барча жабҳаларда, энг аввало, суд-ҳуқуқ тизимида туб ислоҳотлар ўтказиш талаб этилади. Мамлакатимизда бу вазифани босқич-ма-босқич амалга ошириш энг тўғри ва қулай йўл деб топилди, ҳаётга татбиқ этишга киришилди. Ушбу жараён қандай кечаётгани ҳақида республика ИИВ Тергов Бош бошқармаси тергов фаолиятини мувофиқлаштиришни назорат этиш ва ахборот-таҳлил таъминоти терговчиси, подполковник Урол Умнатқулов билан суҳбатлашдик.

Инсон онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётга татбиқ эта биладиган, унга қатъий амал қиладиган, қолаверса, бошқалардан ҳам шуни талаб қила оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши лозим. Бу борада 1997 йили Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури» ишлаб чиқилган. Мазкур Дастурнинг мақсади — аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини қундалиқ ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизimini яратиш, деб белгиланган.

ишлар идоралари фаолиятининг транспарентлигини таъминлаш. Яъни, ютуқлари билан бирга нуқсонларини ҳам ошкор этиш; турли анжуманларда, халқаро ташкилот вакиллари билан ўтказилган учрашувларда мавжуд муаммолар, уларнинг ечим, инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ишлар тўғрисида объектив маълумотлар



публикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун жиноят қонунчилигини эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган. Унга кўра ижтимоий ҳаффи унча катта бўлмаган жиноятлар доираси кенгайтирилди. Жумладан, бундай жиноятлар аввалги Жиноят кодексига жами 460 та жиноят таркибидан 86 тасини ёки 18,7 фоизини ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда яна 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятлар шу тоифага ўтказилиб, 48,2 фоизга етказилди. Жиноят қонунчилигида ярашув институти татбиқ қилиниши кўзда тутилган 30 та жиноят таркиби, ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жами жиноятларнинг 22,7 фоизини ташкил этмоқда.

— Аввало, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мақсад ва моҳиятига тўхталсангиз. Ҳозиргача эришилган натижалар унинг тўғри олиб бораётганини кўрсатайтими?

Авалло, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мақсад ва моҳиятига тўхталсангиз. Ҳозиргача эришилган натижалар унинг тўғри олиб бораётганини кўрсатайтими?

— Юртбошимизнинг бошқа давлатларда бўлгани

# ЖАМИЯТ ВА ФУҚАРО МАНФААТЛАРИ ЙҮЛИДА

каби, мараторий эълон қилмасдан, ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги Фармонни қўллаб йуфузли давлат арбоблари, сиёсатчи ва журналистлар томонидан далил, қатъий ва зарур қадам, деб юқори баҳоланди. Республикада суд-ҳуқуқ идоралари бунга ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан тайёр эдимиз?

— 30-йиллардаги қатағон даври халқимиз хотирасидан ўчгани йўқ. Узокқа бормаёйки, 1986 йили солиқ Иттифоқ Олий суди томонидан Ўзбекистоннинг ўша даврдаги пахта тозалаш саноати вазيري Ваҳобжон Усмоновга нисбатан ноқонуний тергов усуллари қўлланилиб, сохта гувоҳлик ва далиллар асосида катта миқдорда пора олишда айбланган ҳамда ўлим жазосига ҳукм қилинган. Орадан 12 йил ўтгач, у батамом оқланди. Яъни, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги учун «иш» тугатилди. Аммо бир инсон умри мана шундай йўл билан маҳв этилди-ку! Унинг оила аъзолари бошига тушган қулфатлар-чи? Маънавий йўқотишлар, юракдаги оғриқли азоблар, қийналган виждон учун ким жавоб беради? Афсуски, инсон ҳаёти, тақдир билан боғлиқ бундай хатоликлар, эрта ҳазон бўлган умрлар, дилда қолган армонлар ўтмишимизда ягона эмас. Шуларни ҳисобга олсак, мазкур Фармоннинг қабул қилинишини дарҳақиқат республикада, эҳтимол дунё миқёсда жасорат деб баҳолаш мумкин. Фуқароларимиз томонидан у мамнуният билан кутиб олинишининг боиси ҳам шунда.

— Юқорида ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, деб айтдингиз. Бу борада қандай амалий ишлар олиб бориляпти?

— Ҳуқуқий маданият — умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисmidир.

— Таҳлиллар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари айнан терговолди текширув жараёнида бузилиши, бу эса табиийки, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари оқибати эканлигини кўрсатарди. Гумон қилинувчилардан кўрсатмалар олишда турли жисмоний таъинлар ўтказилади, деган гашилар авваллари қулоққа кўп чалинарди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 235-молданинг киритилиши ана шундай ҳолатлар эътиборга олинганнинг исботидир.

— Тўғри, камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди. Уларни рўй-рост тан олиш керак. Бу юқорида В. Усмонов ва унга ўхшаш минглаб ватандошларимизга нисбатан турғунлик йиллари «пахта иши», «ўзбеклар иши» каби тамғалар остидаги ҳаракатларда кенг қўлланилган усуллардир. Афсуски, айрим билимсиз, укувсиз, шуҳратпараст, нопок кимсалар ана шундай йўл тутишган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов Бош бошқармаси раҳбарияти ана шулардан келиб чиққан ҳолда «Ўз ҳуқуқларингиз тўғрисида нималарни билишингиз лозим, агарда сиз.» деб номланган мўъжазгина эслатма тайёрлаган. Шаҳар — туман ички ишлар идораларига жиноят содир қилишда гумон қилиниб келтирилган ҳар бир шахсга ушбу эслатманинг топширилиши таъминланган. Бундан ташқари, жиноят содир этганликда гумон қилинган шахсларни қонунда белгиланган асослари бўлмаса ҳам тахминлар ёки фақат тезкор маълумотларга кўра ички ишлар бўлимига олиб келиш, уларни белгиланган вақтдан ортиқ ушлаб туриш, иқрорий кўрсатмалар беришга мажбурлаш, далилларни сохталаштириш каби қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида вазирлик томонидан бешта асосий йўналиш

лаш йўллари топиш лозимлиги белгиланди.

Иккинчи йўналиш: ҳар бир гумон қилинувчи иштирокида процессуал жараёнларни ўтказиш. Яъни, гумонланувчига ўз вақтида ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячи билан таъминлаш, адвокат билан ҳоли ва чекланмаган муддатга учрашув учун шароит ярати бериш. Ушбу йўналиш талабларини амалиётга татбиқ этиш бўйича Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ушланганлар, гумонланувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини таъминлаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилди. Унда жиноят тартибда таъқиб қилинаётган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқини таъминлашни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро Конвенциялар ва ҳуқуқий масалалар бўйича келишувлар, Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги, адвокатлар идоралари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Фармойишлари, республика Вазирлар Мақамасининг Қарорлари, Республика Олий Суди Пленуми қарорлари, республика Бош прокуратури, ички ишлар вазирлиги тергов тизимлари фаолиятини тартибга солувчи буйруқ ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг меъёрий ҳужжатлари асосида иш юритишлари белгиланган.

Учинчи йўналиш: қийноқлар қўлланилганлиги тўғрисидаги ҳар бир мурожатни лозим бўлса, жамоатчилик вакиллари иштирокида ҳолисона текширилиши ташкил этиш. Менимча, бу ҳолатни изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки, бу йўналиш амалиётда қўлланилмоқда.

Тўртинчи йўналиш: ички

берил.

Бешинчи йўналиш: ҳодимларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш. Бу борада терговчиларга халқаро ҳуқуқий Пактлар ўргатилиб, халқаро ҳуқуқ ҳимоячилари иштирокида тренинглари, ўқув семинарлари, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Тергов Бош бошқармаси томонидан оғир турдаги жиноятларни тергов қилиш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган.

Диний экстремизм билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ўқув машғулотлари ташкил этилган. Терговчиларнинг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш бўйича Тергов Бош бошқармасида икки ойлик амалий иш тажрибаси ва назарий ўқув машғулотлари ўтказиш курслари фаолият юритяпти. Шунингдек, «Хуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар» тўплами чоп этилди. Қонунчиликни мустаҳкамлашда ИИВ томонидан Олий Суд Пленуми қарорларини амалиётга жорий қилиш жараёнида вазирлик ва вилоят ички ишлар бошқармаларида тергов, жиноят қидирув ҳамда профилактика хизматларининг тажрибали вакиллари билан иборат гуруҳлар тузилиб, уларга мазкур қарорлар талабларини бажаришда вужудга келиши мумкин бўлган муаммолар ва баҳс-мунозараларни тезкорлик билан ҳал этиш вазифалари юклатилди. Бугунга қадар мазкур гуруҳлар томонидан кўплаб муаммолар, таклиф ва фикрлар ўрганиб чиқилди.

— Ярашув институтларининг қонунчилигимиздаги ўрни ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан қабул қилинган «Ўзбекистон Рес-

публикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун жиноят қонунчилигини эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган. Унга кўра ижтимоий ҳаффи унча катта бўлмаган жиноятлар доираси кенгайтирилди. Жумладан, бундай жиноятлар аввалги Жиноят кодексига жами 460 та жиноят таркибидан 86 тасини ёки 18,7 фоизини ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда яна 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятлар шу тоифага ўтказилиб, 48,2 фоизга етказилди. Жиноят қонунчилигида ярашув институти татбиқ қилиниши кўзда тутилган 30 та жиноят таркиби, ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жами жиноятларнинг 22,7 фоизини ташкил этмоқда.

Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизimini ислоҳ қилиш жараёни муваффақиятли давом этапти. Мамлакатимизда юз бераётган сийосий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар ана шу жараён ижобий самара бераётгани, халқимиз танлаган йўл тўғри эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош: Муҳаббат ИБРАГИМОВА.



# Ҳийлагар

Чирчиқлик тadbиркорлар С. Салтанат, Х. Лола ва Э. Раънохонлар Андижондаги бозордан жами бир миллион сўмлик турли моллар харид қилишди. Бир «Нексия» машинаси ҳайдовчиси уларни Чирчиқ шаҳрига 45 минг сўмга элиб қўйишга рози бўлди. Балиқчи туманининг Чинобод қўрғонига етиб келишганида у «Бургут» номли ошхона ёнида машинасини тўхтатиб: «Сизлар узоқ йўл олдиан шу ерда тамадди қилиб олинглар. Мен бир этиб шу яқиндаги бир танишимнига ўтиб келаман. Узоғи билан ўн беш дақиқада қайтаман», — деди.

Аммо орадан ўн беш дақиқа тугул икки соат ўтса ҳам ундан дарак бўлмади. Шундан сўнг шубҳага тушган аёллар туман ИИБга мурожаат этишди. Зудлик билан тезкор-тергов гуруҳи тузилди. Унинг таркибига тергов бўлиммаси бошлиғи, майор Шавкатбек Туробжонов, тезкор вакил, катта лейтенант Абдумухтор Туробжонов, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати инспектори, капитан Баҳодир Саидовлар киришди.

Жабрдийдаларнинг сўзларига асосланиб, ҳайдовчининг тахминий портрети яратилди, алоҳида белгилари, ёши аниқланди. Гувоҳлардан сўраб-суриштириб, кўрилган тезкор-қидирув чоралари натижасида фибрибгар топилди. У Андижон вилояти, Жалолқудуқ тумани, Охунбобоев шаҳрида яшовчи, 1975 йилда туғилган И. Тоҳир бўлиб чиқди. Ундан ашёвий далил сифатида «Сони» телевизор, эркаклар спорт кийими олинди.

Тергов ҳаракатлари чоғида И. Тоҳир илгари ҳам шундай жиноятга қўл уриб, Шовот туманилик Б. Қадамбойни чув туширгани маълум бўлди.

Борис КЛЕЙМАН.



Оила деб аталмиш муқаддас қўрғонга илк бора қалам қўйган йигит-қиз эзгу орзулар огушида бўлишди. Бир-бирларига талпиниб турувчи, муҳаббатга лиммо-лим дилларида ота, она бўлишга иштиёқ туғилади.

Ҳар кимга бу бахт насиб этсин. Бу бахтнинг ширин ташвишлари, синовлари боис, умрнинг ҳар дақиқаси мароқли. Аммо гўдаги хасталанган ота-онанинг кўзларидаги мунг, саросимани кўрганмисиз?

Гуруч курмасиз бўлмаганидек, ҳаётда ҳам турлича хулқдаги, тубан одамлар ҳам учраб туради.

Жондор туман прокуратурасига кўҳликкина қиз кириб келди. Унинг кўзларида оғир дард, ҳаётдан бешиш, одамларга ишончсизлик акс этиб турарди. У аризани узатаркан, қўллари билан юзини тўсанча юмюм йилеларди.

Прокуратурадан нажот излаб келган Нисо (маълум

сабабларга кўра исм шарифлар ўзгартирилган) ҳаётнинг аёвсиз зарбасига учраган. Эндигина 22 баҳорни қарши олган, беғубор кўнглида олам-олам орзулар қуртак отаётган қизни ўз отаси топтади... «Одатдагидек онам ҳар икки кунда бир сутка навбатчилик ишига кетарди. Отам, икки укам ва мен уйда қолардик. Бир кунни отам уйимизда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб мени зўрлаб, куч ишлатиб номусимга теғди. Мен йиглаганимда «бу ҳақда бировга айтсанг, ўлдираман!» дея кўрқитди. Шунинг учун ҳам

Андижон шаҳрида яшовчи Анвар Саидов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳамда Мавлон Исақовлар ҳам ана шундай пиҳини ёрган фибрибгарлардан эди. Улар асосан содда одамларни чув тушириб, катта «тажриба» тўплашган. Бу икки найрангбознинг навбатдаги тузоғига Булоқбоши туманида яшовчи Нормат исмли шахс илинди. У шахсий машинасини сотиш учун бозорга олиб чиққан эди. Фибрибгарлар алдов йўли билан унинг ишончига кириб олишди.

— Икки миллиондан ками йўқ, — деди «Жигули»нинг эгаси. — Яқинда машинани тўлиқ таъмирлатганман.

— Гап битта, бир яримдан ортиқ бир сўм ҳам беролмаймиз, — гапни бўлди Анвар. — Бозорда ҳеч ким молини айтган пулига сотмайди.

Узоқ тортишувлардан сўнг Нормат машинани бир миллион 740 минг сўмга сотишга рози бўлди.

— Ҳозирча 400 мингни олиб турасиз, — деди Анвар машина эгасини четга тортиб. — Қолганини уч кундан кейин берамиз. Тўғриси, пулимиз йўқ эмас, бор. Фақат Хоразмдан гуруч олиб келиб қўйгандик. Янги бозордаги гуручфуруш Содиқ менинг акам бўлади. Ишонмасангиз, унинг олдига олиб боришим мумкин. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Бозорда энг тез сотиладиган нарса гуруч.

Анвар Норматни шундай аврадики, машина эгаси унинг гапларига лаққа ишонди ва қандай қилиб калитни бериб юборганини билмай қолди.

## ХУКМ ЎҚИЛДИ

# ОХИРАТИ КҲЙГАН ОТА

мен бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто онамга ҳам лом-мим демедим. Негаки, уйда ёлғиз қолганимда, у жонимга қасд қилиши мумкин эди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Жисимда ўзгариш сеза бошладим. Энди нима қиламан, деган қўрқув менга тинчлик бермасди. Ҳомиламни тушириб, ундан кутулишни уйдардим. Оғир юклар кўтаравегганимдан у нобуд бўлди.

2004 йилнинг август ойида отам укаларим билан ишлаш учун хоризга кетди. Кўнглим бироз хотиржам бўлиб, онам билан яшай

# СОДДАЛИГИ ПАНД БЕРДИ

**Инсон жуда кўп ишларга қодир. Шу жумладан, яхшилигу ёмонликка, фидойилигу маккорликка ҳам. Фибрибгарларнинг бахтига содда одамлар кўп. Уларнинг найранглари таҳлил этилганда бири-бирларидан ниҳоятда устомон эканликларини билиб олиш қийин эмас.**

— Бўпти, пулни бугун олдим нимаю, уч кундан кейин олдим нима, — деб юборди у.

Хуллас, икки фибрибгар қўлга киритилган машина ва барча ҳужжатларни олиб, ҳайдаб кетишди. Бир ҳафтадан сўнг улар машинани Наманган шаҳрига олиб бориб, Тўрақўрғон туманида яшовчи Фозил исмли шахсга бир миллион 450 минг сўмга сотиб юборишди.

Мавлоннинг Анвардан қарзи борлиги учун пулнинг учдан икки қисми унга теғди. «Жигули» эгасининг соддалигидан фойдаланиб, мўмайгина даромадга эга бўлган ҳамтовоқлар яна «ов»га чиқишди. Бу гал Жалолқудуқ туманида яшовчи Зокир Холматов «ўлжа» бўлди. Улар Зокирни ҳам ёлғон гаплар билан алдаб, «ВАЗ-2101» русумли автомашинасини 980 миңг сўмга келишишди.

— Машина менинг номимда эмас, — деди З. Холматов. — Икки йил бўлди, ҳақиқий эгаси ким эканлигини билмайман. Мендан аввалги эгаси ҳам ўз номига расмийлаштирмаган экан.

Сотувчининг бу гаплари Анварга мойдек



ёқди.

— Энди ака гап бундоқ, — деди у Зокирга. — Ҳозирча 150 минг сўм олиб турасиз. Машинанинг, бироз таъмирталаб экан. Бунга 200-300 минг сўм сарфламасак бўлмайди. Биз савдосотиқ билан шуғулланамиз. Сотиладиган моллар уйда қалашиб ётибди. Узоғи билан ўн кунда келишувдаги қолган пулни оласиз.

Эски машинани яхшигина пулга сотганидан хурсанд бўлган Зокир «харидор»ларнинг бу таклифига дарҳол кўнди.

Анвар машинанинг ҳақиқий эгасини топиб, уни ўз номига расмийлаштириб олишда ёрдам беришини сўради. Арзимаган пулга машиналик бўлиб олган фибрибгар расмийлаштириш учун кетадиган барча хара-

жатларни ўз ёнидан тўлади.

Халқимизда «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади», деган нақл бежиз айтилмаган. Фибрибгарларнинг ёлғон гапларига ишониб, мол-мулкидан айрилган жабрланувчиларнинг ички ишлар бўлимига берган аризаси асосида тезкор-қидирув ва суриштирув ишлари олиб борилди. Натижада жиноятчиларнинг қилмишлари фош этилди. Тергов ҳаракатлари давомида ҳар икки машина ўз эгаларига қайтарилди. Келтирилган моддий зарар тўла қопланди.

Содда одамларнинг ишончини қозонган фибрибгарларга нисбатан тегишли жазо қўлланилди.

**М. ҲОШИМОВ,**

Булоқбоши тумани ИИБ тергов бўлиммаси бошлиғи, капитан.

га яраша жазога тортди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Жабрланувчи қиз 24 ёшда, оқни қорадан ажрата оларди. Бадхулқ ота қўлидан қочиб, одамларни ёрдамга чақириб кутулиши мумкин эди-ку? Ҳеч бўлмаса, укаларига бор гапни шипшитганда эди...

Ёки четга бориб ишлаб келишдек куч-қувватга эга бўлган икки ука опасига нисбатан нега бефарқ бўлишди? Оқибатда гулдек бир қизнинг бахт гунчаси топталди. Кўнгли чилпарчин бўлди.

Бугун салкам ярим аср умргузаронлик қилган кимса оиласи, фарзандлари олдида ҳам, эл-юрт олдида ҳам юзи қора, сурбетларча қилган жинояти учун тавқи лаънатга учради, охиратини куйдирди...

**Умид НУРУЛЛАЕВ,**

Жондор туман прокуратураси терговчиси.





Жуда кўплаб газетхонларимизнинг талаб-истакларига кўра эътиборингизга янги — «Олам синоатлари» саҳифасини ҳавола қилмоқдамиз. Ушбу саҳифамиз орқали муштарийларимиз она заминимизда юз бераётган ғайриоддий ҳодисалар, дунёвий мўъжизалар, ҳайратомуз воқеалар бериб борилади. Шунингдек, ҳафталик теледастурлар, интернет хабарлари, жумбоқ саволлар, сканвордлар, хандалар ҳам «Олам синоатлари»дан ўрин олади.

Саҳифамизда яна қандай мавзулар ҳақида ўқишни истасангиз, 139-70-40, 139-73-88 рақамли телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Барча таклифларингиз албатта инобатга олинади.



Ҳиндистоннинг жануби-ғарбида «қонли» ёмғирга қўшилиб, 50 тонна ўзга сайёралик мавжудотлар ёғилди.

# ҚИЗИЛ ТАНЛИ

# ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР

Ушбу мўъжизалар мамлақати узра тўхтаб-тўхтаб икки ой давомида қизил ёмғир ёғиб турди. Тадқиқотчилар текшириб кўриб, унинг таркибида ҳали фанга номаълум ғалати жониворлар борлигини аниқлашди.

— Булар тирик ҳужайралар ёки мутлақо ғайритабиий маҳлуқотлар, — дейди Буюк Британиянинг Шеффилд университети микробиологи Милтон Уэйнрайт.

## ОСМОНДАН ЁҚҚАН «ҚОН»

Ғаройиб ёмғир 2001 йил 25 июлда Ҳиндистоннинг Керала штатида ёғди. Метеорологлар буни дарҳол ғайритабиий ҳодисалар қаторига киритишди. Қизил ёмғир кийим-бошларни ифлосланттиришдан ташқари дов-дарахтларнинг баргларини емириб ташлади. Ушанда ёмғир таркибида қандай моддалар мавжудлигини текшириб ўтиришмади. Аҳолини тинчлантириш мақсадида Арабистон ярим оролида кум кўчган, ҳозир ана шу кум зарралари ёмғирга аралашиб ёғди, деб кўя қолишди.

Аммо Махатма Ганди номидаги университет физици Годфри Луис тинч туролмади. У ўз шоғирди Сантош Кумар билан қирғоқ бўйлаб кезди. Юзлаб гувоҳлардан ҳодиса тафсилотларини сўраб-суриштирди, маҳаллий газеталарда ғаройиб ёмғир ҳақида чоп этилган хабарларни синчиклаб ўрганди.

Олим тезкорлик билан ҳаракат қилиб, «қон» ёмғирини кўлмагини топишга муваффақ бўлди. Заррабин остида текшириб кўрганида, 4-10 микрометр катталиқдаги заррачалар шу пайтгача фанга номаълум бўлган микроорганизмлар эканлигини аниқлади.

— Ҳойнаҳой, булар ўзга сайёраларга те-

раларга кириб чиқди. Ва, ниҳоят яқинда, мўъжиза рўй берди. Бунга сўнги пайтларда Панспермия назариясининг оммалашиб кетганлиги сабаб бўлса керак. Ушбу фаразга кўра Ер юзига ҳаёт кометалар орқали микроорганизмлар шаклида коинотдан келган.

Беш йил давомида Луиснинг гапларига эътибор бермаган ҳамкасблари энди уни катта қизиқиш билан тинглай бошлашди. Утказилган тажрибаларининг таҳлилини тақдим этишни, «қонли» ёмғир намунасини кўрсатишини сўрашди. Уэйнрайт ҳам Луисдан кейин ана шундай хулосага келди.

— Булар кум зарралари эмаслиги аниқ, — дея тасдиқлади англиялик метеоритлар бўйича эксперт Моника Грейди. — Улар кўпроқ жонли ҳужайраларга ўхшайди.

— Уларнинг таркибида кремний моддаси умуман йўқ, — дейди Колорадо университети биологи Жеффри Уолкер. — Аммо одатда микроорганизмлар таркибини ташкил этадиган углерод, кислород, темир каби элементлар мавжуд. Ҳозирча «қонли» ёмғир кимёвий таркибининг 95 фоизи нималардан иборатлиги аниқланди. Беш фоизи эса ҳамон номаълумлигича қолмоқда.

## БЕГОНАЛАР МЕТЕОРИТЛАРДА УЧИБ

### КЕЛИШДИМИКАН?

Хўш, қизил ёмғирнинг сирини нимада? У қандай пайдо бўлган? Қандай хавфли томони бор? Ушбу саволларга олимлар ҳамон жавоб топишолгани йўқ. Тўғри, мутахассислар турли таҳминларни илгари суришяпти. Ле-



Таркибида ўзга сайёраликлар мавжуд бўлган «қонли» ёмғир қуйилган банка ҳозир Шеффилд университетида сақланаяпти.

кин бу таҳминларнинг ҳар бирида нимадир етишмайди.

Балки ёмғир таркибида қандайдир ўсимликлар, замбуруғлар ёки сувўтлар бордир, деб ўйларсиз. Аммо гап шундаки, «қонли» ёмғир таркибида Ердаги ҳаётнинг энг муҳим белгиси бўлган ДНК топилмади.

— Ўзга сайёралик бактериялар таркибида эса ДНК бўлиши шарт эмас, — дейди Годфри Луис. — Унинг фикрича, бундай ҳаёт шакллари коинотдан метеорит ёки комета парчаси ёрдамида келган. Луис ёмғир ёғиши олди-дан юз берган сирли ҳодисаларга гувоҳ бўлганларни топди. Уларнинг айтишича, осмонда қандайдир номаълум учар жисм пайдо бўлган. У пақиллаган товуш чиқарган. Бу товушни эшитиб уй ҳайвонлари безовта бўла бошлаган. Сўнг портлаш овози эшитилган. Портлашдан кейин бошланган одатдаги ёмғир аста-секин қизил тус олган.

Луиснинг ҳисоб-китобига қараганда жами 500 минг куб метр ёғин ёққан. Улардан 50 тоннасини қизил рангли мавжудотлар ташкил этган.

## УЛАР КЎПАЙШАДИ

Яқинда яна бир олим ушбу ҳодисага муносабат билдирди.

— Балки, қизил ёмғир таркибида ҳақиқатан ҳам қон бордир? — дея мулоҳаза юри-

тади Чарльз Коккель. У илгари сурган фаразга кўра Ҳиндистонда кўршапалаклар жуда кўп. Улар тахминан уч километр баландликда гала-гала бўлиб учиб юради. Эҳтимол, метеорит кўршапалаклар галасига урилгандир. Уларнинг қони атрофга сочилиб, ёмғирга қўшилиб ёғилгандир. Олим фикрини исботлаш учун «келгиндилар»нинг гемоглобинини

излаб топмоқчи. — Бир гала кўршапалакнинг қони ўнлаб тонна чиқмаса керак, — дейди бу фаразга шубҳа билдириб Милтон Уэйнрайт. — Аммо ёмғир таркибида ДНК ёки гемоглобин топилса, мен хурсанд бўлардим. Шунда жумбоқ ўз ечимини топарди. Ҳозирча эса ғайритабиий ҳодисага, янаям аниқроғи, бизга номаълум ҳаёт шаклига дуч келганга ўхшаймиз.

Годфри Луис «Нью сайентист» журнали муҳбирига янаям ғаройиб маълумот берди. Унинг айтишича, қизил заррачаларни 300 даражагача қиздирилган кедр ёғига солган. Шунда улар кўпая бошлашган.

Физик ҳазиллашяптими-кан? Ким билади дейсиз. Балки, унинг ҳамкасблари ўтказётган тажрибалар бу масалага ойдинлик киритар.

## БУ ПАЙТДА ЭСА...

### ПРИМОРЬЕ ЎЛКАСИДА ПУШТИРАНГ ҚОР ЁҒДИ

11-12 март кунлари Россиянинг Приморье ўлкасида пуштиранг қор ёғди. У аҳоли сийрак яшайдиган шимолий худудларни қоплади. Мутахассислар бу ғайриоддий ҳодисани Мўғулистондан кўтарилган чанг билан изоҳлашди. «Кўтарилган чанг тўзони қорга пушти тус берган», — дейишди улар.

Ўйиннинг биринчи таймида рақиблар фаол ҳаракат қилиб, ўн бешинчи дақиқада ҳисобни очдилар. Иброҳим Дакийнинг шиддатли ҳужумини ҳимоячилар қайтара олишмади. Лекин мубораклик футболчилар кўнгилни чуқирмай бор кучни ҳужумга қаратишди.

Ўйиннинг иккинчи қисми, айниқса, шид-

датли ҳужумларга бой бўлди. Қувонарлиси, асосан «Машъал» ҳужумкорлик кўрсатди. Буни ҳатто рақиб жамоа бош мураббийи Муҳаммад Ал Манси ҳам ошкор айтди.

Ўйиннинг асосий вақти тугаб, ливанлик ҳакам Талъат Нажим яна тўрт дақиқа қўшиб берди. Учрашувнинг сўнгги сониялари қолганда Шухрат Мирхондиршоевнинг тепган тўпи дарвоза тўрига бориб тушди. Олқишдан стадион ларзага келди.

Шундай қилиб, «Машъал» гуруҳда «Ал-Айн»дан кейин иккинчи ўринда боряпти ва навбатдаги турда «Ал-Ҳилол» меҳмони бўлади.

## «ПАХТАКОР» ПАНД БЕРДИ

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси қитъа Чемпионлар лигасида биринчи бор иштирок этаётгани йўқ. Осиёнинг номдор жамоалари билан кўп марта учрашган. Хориж стадионларида ҳам галаба нашидасини сурган.

Валерий Непомняший шогирдлари «Ал-Қодисия» жамоасининг меҳмони сифатида майдонга тушишди. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларидаёқ қувайтликлар анча фаол ҳаракат бошлашди. Асосан ҳужумга эътибор берган мезбонлар «Пахтакор» дарвозаси олдида бир неча марта хавfli вазиятларни вужудга келтирдилар. Биринчи тайм уларнинг ҳужумкорлиги билан тугаётганига қарамай, футболчиларимиз қулай им-

кониятдан унумли фойдаландилар. Охирги дақиқаларда Кириян оширган тўпни Иброҳим Раҳимов дарвозага яқинлашиб бораётган Анвар Солиевга узатди. Моҳир футболчи қулай вазиятни қўлдан бермай, чемпионлар лигасидаги саккизинчи голини киритди. Шу билан биринчи тайм ниҳоясига етди.

Ўйиннинг иккинчи тайми охирги дақиқаларида эса омад мезбонларга кулиб боқди. Ҳисоб тенглашди. Ҳимоячиларнинг хатосидан сўнг — 90-дақиқада иккинчи тўпни ҳам дарвозага йўллаб, галабани нақд қилишди.

«Пахтакор» 12 апрелда Эроннинг «Фулад» жамоасини Тошкентда қабул қилади.

## ҚИСҚА САТРАЛАРДА

Ўзбекистон Футбол Федерацияси делегацияси Цюрих шаҳрида ФИФА раҳбарлари билан учрашди. Маълум қилишларича, ФИФА президенти Йозеф Блаттер ва ОФК президенти Муҳаммад бин Ҳаммам шу йил республикаимизга ташриф буюришади.

\*\*\*

Ўзбекистон Футбол Федерацияси делегацияси ОФК президенти Муҳаммад Бин Ҳаммам билан суҳбатлашганларида, у республикаимизда футбол тараққиётига баҳо бериб, Миржалол Қосимовни бутун Осиёда тажрибали, маҳоратли футболчи деб таъкидлаган.

\*\*\*

1992 йилда туғилган ўсмирлардан ташкил топган терма жамоамиз футболчилари 24-31 март кунлари Техронда ўтказилган «AFC U-13 Afegitv of Football» деб номланган фестивалда иштирок этади. Ёш футболчиларимиз Қирғизистон, Тожикистон, Ҳиндистон ва мезбон давлатнинг ўсмирлар терма жамоалари билан баҳслашадилар.

\*\*\*

Минифутбол бўйича Осиё чемпионати май ойининг учинчи ўн кунлигида Тошкентда ўтказилади. Пойтахтдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида қитъанинг 16 жамоаси ғолиблик учун курашадилар.

\*\*\*

Футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг учрашувларини бошқарадиган ҳакамлар рўйхати 31 март куни аниқланади. Унча реферилар бир қатор синовлардан ўтказилади.



**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази бошлиғи, полковник Шавкат Зокирович МИРТУРСУНОВни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, мустақам соғлиқ, оиласига хотиржамлик, хонадонига файзу барака тилаймиз. Шарафли ҳамда машаққатли хизматида омад ва ютуқлар ҳамиша ёр бўлсин.

Республика ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.

**ҲАДИС**

*Бир одамдан илмий бир нарса сўралса, у киши била туриб яширса, у кишини Аллоҳ таоло қиёмат кунинда ўтдан бўлган юган билан жиловлайди.*

Изоҳ: жоҳил одамларнинг дин ёки дунё тўғрисида сўраган саволларига тўғри жавоб беринг ҳамма билган кишига лозим қилинган. Лекин сўровчи киши масхара қилиб ёки ёвуз ният ила сўраса, унга жавоб бермоқ лозим эмас.

**«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»**

**ОБЖУВОЗ – ҚОЗОННИНГ ҚАЙМОҒИ**

Обжувоз – сув кучи билан юрадиган, шоли оқлайдиган қурилма. Жувоз – ўсимликлар уругидан, хусусан, чигитдан мой чиқарадиган қурилма; мойжувоз. Мазкур мақолда шоли оқлайдиган жувоз назарда тutilганми, ё мой чиқарадиган жувозми, бари бир қозонга тушадиган масалликларни тайёрлашда, мушкул ишни осон қилишда бу қурилмаларнинг аҳамияти катта эканлиги қайд этилган.

**ОБОД ҚИЛГАН – ОБОД БЎЛАДИ**

Бу билан: Ҳовли-жойингни, юртингни обод қилсанг, кўркам бинолар, чиройли кўчалар, гуллаб-яшнаган боғ-роғлар барпо этсанг, аввало, турмуш шароитларинг яхши, қулай, дилрабо бўлади; ўз қилган ишининг ажойиб мевасини, самарасини кўриб, дилинг равшан тортади, қалбингда фахру гурур хиссиётлари пайдо бўлади; эл-юрт ўртасида бош кўтариб, ёруғ юз билан, обрў-этибор билан юрасан; ҳаётдан кўз юмган чоғингда ҳам, номинг яхшилик ила тилга олинадиган бўлиб қолади», деган маънода насиҳат қиладилар.

**ОВЧИ ЧУМЧУҚ ТУТИБДИ**

Кўлидан катта ишлар келадиган одам кичик, арзимаган бир иш қилиб кўйиб, шуни мақтаниб юрса, тўғридан-тўғри унинг ўзига ёхуд орқаваротдан мазкур мақолни киноя тарзида айтадилар.

**ОВҚАТ ОВҚАТГА ЙЎЛ БЕРАДИ**

Одатда бирор жойга меҳмон бўлиб борган одам ҳеч нима емай ўтирса, мезбон: «Олинг, олиб ўтиринг, нега ҳеч нарса емаяпсиз?» дейди. Шунда меҳмон: «Раҳмат, яқинда овқатланган эдим, қорним тўқ» деса, мезбон: «Ҳе, овқат овқатга йўл беради, олаверинг, меҳмон!» деб, уни ейишга қистайди. Аксарият шундай ҳолларда тез-тез айтиб туриладиган бу сўз халқ ўртасида мақолга айланиб кетган.

**ОДАМ ЕГАНИНИ ҲЎКИЗ ЕСА, ЁРИЛИБ ЎЛАДИ, ОДАМ ҚИЛГАНИНИ ШАЙТОН ҚИЛСА УЯЛИБ ЎЛАДИ**

Бу мақолни еб тўймас, очкўз, бадхўр, баднафс одамларга ва шайтондан ҳам баттар айёр,

муғамбир, алдамчи, кўзбўямачи, қаллоб одамларга нисбатан киноя, қочирик, истехзо тарзида қўллайдилар. «Одамнинг шайтони – одам» деган мақол ҳам борки, бу билан: «Шайтонсифат ёмон одам яхши одамларни ҳам ўз кўйига солади, тўғри йўлдан оздиради, бузади. Бундай «шайтон» одамлардан ҳазар қилмоқ, эҳтиёт бўлмоқ лозим», демоқчи бўладилар.

**ОДАМГА – ЛАФЗ, ГЎСАЛАГА – ДУМ**

(Лафз – берилган ваъда, сўз, аҳд. Гўсала – бузук). Бу билан: «Одам бировга, кўпчиликка берган сўзининг, ваъдасининг устидан чиқиши, аҳдига вафодор бўлиши, шу йўлда астойдил ҳаракат қилиши, лафзи ҳалол бўлиши зарур», деган маънода насиҳат қиладилар. «Лафз – пулдан қиммат» деган мақол ҳам шу маънода қўлланилади.

**ОДАМГА – СЎЗ, ҲАЙВОНГА – ГОВРОН**

Бу мақолни: «Одамни сўз билан ахлоқ-одобга, илм-билимга, касб-ҳунарга ўргатадилар. Ҳайвонни эса говрон (таёқ, калтак) зарби билан ўз измларига соладилар», деган маънода айтадилар. Шунингдек, баъзи гап-сўз қор қилмайдиган, «қулоқсиз», бетаъсир, «териси қалин» одамларга нисбатан кесатиқ тарзида қўллайдилар.

**ОДАМДАН ҲИЙЛА ҚОЧИБ ҚУТУЛМАС**

Вариант: «Ҳийла – олти, ақл – етти»; «Тулки тулкилигини қилгунча, териси қўлдан-қўлга ўтади». Бу мақоллар билан: «Одамнинг ақли шундай ўткирки, ҳар қандай ҳийла-найрангни, айёрлик, муғамбирлик, қаллобликни очиб, фош этиб ташлай олади. Ҳийлагарлар бир кун бўлмаса, бир кун қўлга тушиб, қилмишларига яраша жазосини тортишлари муқаррар», демоқчи бўладилар.

**ОДОБИНГ – ОБРЎЙИНГ**

Вариант: «Одоб – олтиндан қиммат»; «Одоб – кишининг зеб-зийнати»; «Одобли киши – зийнатли, зийнатли киши – иззатли»; «Ақл – ёшдан, одоб – бошдан»; «Бола азиз, одоби ундан азиз»; «Одобли бола оламга манзур»; «Одобли – элда азиз»; «Одоб бозорда сотилмас» («Тап-тайёр одобни бозорда пулга сотиб олиб бўлмайди. Одобга ёшлиқданок ўрганиб, кўникиб, уни улгайган сари камол топтириб бориш керак», дейилмоқчи).

**МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ**  
Келгуси ҳафта учун

	<p><b>ҚҲЙ. 21 март – 20 апрель</b></p> <p>Ҳафта давомида белгиланган режалар аста-секин амалга оша бошлайди. Оилангиздаги муаммоларни ҳал этишга кўпроқ вақт ажратганингиз маъқул. Бирор масала юзасидан бахшлашаётганда ортиқча эҳтиросга берилманг. Ақс ҳолда ҳамкасбларингизда сизга нисбатан нотўғри фикр туғилиши мумкин.</p>
	<p><b>СИГИР. 21 апрель – 20 май</b></p> <p>Ушбу ҳафта осойишта ва сермазмун ўтади. Фақат вазифаларга киришишдан аввал, жиддий ўйлаб кўришни маслаҳат берамиз. Талайгина ютуқларга эришиш имконияти бор. Ютуқлар калити меҳнат ва дам олишни бир меъёрда ташкил этишингизга боғлиқ эканлигини унутманг.</p>
	<p><b>ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь</b></p> <p>Мураккаб вазият юзага келади. Атрофингиздаги бир нечта кишига нисбатан норозилик кайфияти пайдо бўлиши мумкин. Ўзингизни қўлга олинг. Шерингиздан қарз бўлиб қолишингиз эҳтимолдан холи эмас. Зиммангиздаги мажбуриятни вақтида бажаришингиз муваффақият келтиради.</p>
	<p><b>ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль</b></p> <p>Юмушларни бажаришда дўстлар ёрдамига эҳтиёж сезасиз. Мабодо бирортаси кўмаклашмоқчи бўлса асло рад этманг. Қийинчиликларни енгишга бемалол иқтидорингиз ва куч-қувватингиз етади. Ҳар қандай вазиятда ҳам ақлзаковат билан иш тутушингиз муҳимдир.</p>
	<p><b>АРСЛОН. 23 июль – 23 август</b></p> <p>Мазкур ҳафтада қалбингизни жунбушга келтираётган туйғулар синовдан ўтади. Бундай ҳолат ўзингизга қадрдон бўлиб қолган киши билан айрилиқ туфайли юзага келиши мумкин. Ишхонада арзимаган икир-чикирларга эътибор бермасангиз омад кулиб боқади.</p>
	<p><b>БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь</b></p> <p>Ўзингиз ва атрофдагиларга нисбатан танқидий ёндашганингиз маъқул. Шунда ҳар қандай қийинчиликни бемалол енга оласиз. Душанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Ишхонада айрим муаммолар безовта қилиши эҳтимолдан холи эмас.</p>
	<p><b>ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь</b></p> <p>Ғоялар ва белгиланган режаларни ҳаётга жорий этиш учун қулай даврдир. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланинг. Ишхонада фаоллик кўрсатишингизга тўғри келади. Ҳамкасбларингиз сизни қўллаб-қувватлайдилар.</p>
	<p><b>ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь</b></p> <p>Мазкур ҳафтада ўзингизга бўлган ишонч ошади. Рақамларга ортиқча ишонаверманг. Ички туйғунингизга таяниб иш кўрсангиз асло ютқазмайсиз. Дам олиш кунлари ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратинг.</p>
	<p><b>ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь</b></p> <p>Атрофдагиларнинг фикр-мулоҳазаларини инobatга олиш обрў-этибор топишингиз энг мақбул йўлидир. Ушбу етти кунликда барча вазифалар бемалол удаланади. Яқинларингиздан бирортаси ёрдам сўраса кўмаклашишни унутманг.</p>
	<p><b>ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь</b></p> <p>Ўзингизга бўлган ишончни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилинг. Ҳозирча бирорта ҳам янги вазифага киришмаганингиз маъқул. Учрашувлар ва муҳим юмушларни кейинроққа қолдиришни маслаҳат берамиз.</p>
	<p><b>ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль</b></p> <p>Ушбу ҳафтада ободончилик ишларига кўпроқ вақт ажратинг. Кўзлаган мақсадингиз қай даражада ҳаётий эканлигини аниқлаб олишингиз зарур. Ҳар қандай масала юзасидан жиддий мулоҳаза юритиб кўришингиз мақсадга мувофиқдир.</p>
	<p><b>БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март</b></p> <p>Ғаол меҳнат қилиш ва билим олиш учун қулай ҳафтадир. Куч-қувватингиздан тўғри фойдалансангиз муносиб ютуқлар қўлга киритилади. Ишлаш билан бирга кўнгилли ҳордиқ чиқаришни ҳам унутманг. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказишни маслаҳат берамиз.</p>



ТЕЗКОР ГУРУХ ЙЎЛГА ТУШДИ...

# АЛОҚАНИ ИЗДАН ЧИҚАРГАН КИМ?

Ҳозирда алоқа воситаларисиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Айтилик, хизмат сифари билан оилангиздан узоққа кетишга тўғри келса сизни яқинларингиз билан боғлаб турувчи телефондан фойдаланишингиз табиий. Агар у беш дақиқа ишламай қолса т а ь бин-

гиз хира бўлиши аниқ. Бироқ кейинги пайтда ана шундай кўнгилсизликларни келтириб чиқарётган айрим шахсларнинг хурмача қилиқлари кўпчиликнинг асабини бузмокда.

Хазорасп тумани ички ишлар бўлимига «Хоразм» фуқаролар йиғини «Новвойхона» худудидан ўтган 70 метр кабелни кимдир кесиб олиб кетганлиги тўғрисида хабар тушди. Дарҳол тез-

кор гуруҳ тузилиб, унга ЖК ва УЖКҚБ тезкор вакили, катта лейтенант Х. Машарипов раҳбар этиб тайинланди.

Олиб борилган тезкор қидирувлар натижасида ушбу ўғирликни рангли металл илинжида «Хазорасп» фуқаролар йиғини худудидан яшовчи Б. Равшан содир этганлиги аниқланиб, далилий ашё билан қўлга олинди. Тергов давомида «Хоразм шакар» ОАЖга қарашли алоқа

йўналишидан 150 метр, «Хазорасп» фуқаролар йиғини 7-бўлимидан 20 метр кабелни ўмариб кетган ўғри ҳам айнан унинг ўзи эканлиги рад қилиб бўлмас далиллар билан исботланди. Ушбу жиноятларни фош этишда тезкор вакиллар, майор Б. Болтаев, капитан О. Бакиев ва профилактика инспектори, капитан Сардор Қурбонниёзовлар ҳам яқиндан ёрдам беришди.

Мирзо  
АБДУЛЛАЕВ,  
майор.

«ИССИФИДА» ФОШ ЭТИЛДИ

Эрта тонгда Балиқчи тумани ИИБ навбатчилик қисмига Чинобод қишлоғидан ташвишли хабар тушди. Унга кўра Қияли маҳалласининг Янги чек кўчасида яшовчи Нурматовлар хонадонига кечаси номаълум кимсалар бостириб кирган эди.

Воқеа жойига зудлик билан тезкортергов гуруҳи етиб борди. Унга Чинобод милиция бўлинмаси бошлиғи, майор Равшанбек Мадраҳимов раҳбарлик қилди. Дастлабки суриштирув чоғида хонадон бекаси Моҳирахон Нурматова қуйидагиларни гапириб берди.

Кечаси соат 24 ларда у тўрт боласи билан ухлаб ётганида икки номаълум кимса эшикни бузиб, уйга бостириб

қараб босқинчиларнинг кўриниши қанақалиги аниқланди. Аёлнинг айтишига қараганда, жиноятчиларнинг бири 30-35 ёшларда, гавдали бўлиб, сариқ металлдан ясалган тишлари бор эди. Иккинчиси эса 25 ёшларда бўлиб, айтирли алоҳида белгиси бўлмаган.

Ўша тунда маҳаллани айланган посьон Муҳаммад Асқаров ҳам шунақанг кўринишдаги икки кимсани учратганини айтди. Профилактика инспектори, катта лейтенант Иномжон Ибрагимов сўраб-суриштириб, қўшни маҳаллада ташқи кўриниши босқинчиларга ўхшаш йигитлар яшашини аниқлади. Чинобод милиция бўлинмаси катта тезкор вакили, майор Мухторжон Шокиров гумонланувчилар-

# ТУНГИ ҚАРОҚЧИЛАР

киради. Улардан бири аёлнинг бўғзига пичоқ тираб:

— Эринг Тошкентга пул ишлагани кетганини биламиз. Қани, жўнатган пуллари бу ёққа чўз! — дейди.

Иккинчи босқинчи эса беғам, беташвиш, ширин ухлаб ётган болалар тепасида пичоқ яланғочлаб туради.

Моҳирахон титраб-қалтираб, эри яқиндагина ишлагани кетганлигини, ҳали пул жўнатмаганлигини айтади. Жувоннинг сўзига ишонмаган тунги «меҳмонлар» ҳаммаёқнинг тит-питини чиқаришади. Ниҳоят, ҳақиқатан ҳам пул йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, аёлнинг тақинчоқларини ечиб олиб, эрталабгача кўчага чиқа кўрма деб дўқ уриб, қочиб қолишади.

Моҳирахон тонг отиши билан бўлган воқеа ҳақида қариндошларига билдиради, улар эса ИИБга хабар беришади.

Изқуварлар дарҳол ишга киришиб кетишди. Жабрдийданинг сўзларига

нинг шахсини ўрганди. Улар муқаддам судланган, 29 ёшли Ж. Мурод ва 26 ёшли Ю. Даврон бўлиб чиқишди.

Қўлга олиш гуруҳи гумонланувчилар яшайдиган манзилга жўнатилди. Аммо улар уйларида йўқ эди. Қариндошларининг айтишича, яқинда ишлаш учун Тошкентга отланишган экан.

Изқуварлар бекатда гумонланувчиларнинг таксига ўтирганини пайқаб қолишди. Тезкор ходимларнинг тез ва аниқ ҳаракатлари туфайли қароқчилар қўлга олинди. Ж. Мурод ва Ю. Давроннинг ёнидан пичоқ ҳамда Моҳирахонга тегишли тақинчоқлар топилди. Ушбу жиноят қисқа муддатда, беш соат ичида очилди. Тергов ишлари олиб борилаяпти.

Равшанбек  
ТУРҒУНОВ,  
подполковник.

## Кўчадаги

### «АКАЛАР»ГА ЭРГАШИБ...

Баҳор кунларидан бири. Ярим кеча. Ой юзини қора булутлар тўсиб турибди. Катта кўчадан аҳён-аҳёнда машиналар ўтиб қолади. Маъмуржон кўчадаги «акалари» — Икромжон, Аҳрорбеклар (исмлар ўзгартирилган) билан олдиндан режалаштирилган ишни амалга ошириш учун тўпланди. Режага кўра Шаҳрихон шаҳридаги тижорат дўконларидан бирининг эшигини бузиб, ичкарига кирдилар.

Дўкон

ичидан 237 минг сўмлик мол-мулкни ўғирлашди. Сўнг буюмларни Икромжоннинг «Тико» русумли автомашинасига ортиб, «Найнаво» ширкат хўжалигида яшовчи Нодирбекнинг уйига яшириб қўйишди. Икромжон музлатгични 160 минг сўмга сотиб, аудиоманитофонни уйига яширди. Телефон апаратини Аҳрорбек олди. Маъмуржон ҳали ёш бўлгани учун кўп нарсанга ақли етмасди. Қилмишлари фош бўлгач, суд уни бир йил мобайнида ахлоқ тузатиш ишларига жалб этди. Бу орада у яна жиноят кўчасига кирди. Ўғир-

ликни касб қилиб олган ўша «акалари» билан Шаҳрихон шаҳар Ёдгоров кўчасида жойлашган музқаймоқ дўконидан нархи 160 минг сўмлик «Хинг» русумли музлатгич, 25 минг сўмлик 500 дона музқаймоқ, нархи 420 минг сўмлик фрезер ускунаси, жами 605 минг сўмлик мол-мулкни ўмаришиб «Дамас» автомашинасига юкладилар.

Уларнинг бу қилмиши ҳам тез орада фош этилди. Суд ҳукми билан ҳамтовоқлар турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

Д. АДҲАМОВ,  
катта лейтенант.

ҲУКМ ЎҚИЛДИ

# ҚИММАТГА ТУШГАН ХАТО

Инсон зоти борки, адашади, хато қилади. Ҳаётда қоқилган киши бундан тўғри хулоса чиқара билмоғи лозим. Акс ҳолда бунинг оқибати яхшиликка олиб келмайди.

Андижон шаҳрида яшовчи Сирожиддин Салимов муқаддам уч марта судланган. Жазо муддатини ўтаб, озодликка чиққач бир амаллаб ишга жойлашганди. Содир этган жиноятлари туфайли йигитликнинг навқирон даврларини жазони ижро этиш муассасаларида ўтказиб, ҳатто оила қуришга улгурмаган ўттиз ёшли бу йигитдан ота-онаси эндигона қувона бошлаган эди. Сабаби, Сирожиддин ҳар кун ишга боради, ишдан келади. Четдан қараганда у жамиятда ўз ўрнини топиб бораётгандек эди.

Аслида эса Сирожиддин энгил ҳаёт кечириш, ишламай ммай даромад

топиш илинжидан ҳали воз кечмаганди. Шу боис, у фуқаро Акбарали Расуловга тегишли автомашинадан қиймати икки юз минг сўмлик техника воситаларини ўғирлади. Ўмарилиган буюмларни арзон нархда пуллаб, эҳтиёжини қондиришни истаган Сирожиддин мақсадига эришолмади. Ички ишлар ходимлари унинг фарз ниятига ўз вақтида чек қўйдилар.

С. Салимов тўртинчи бор судланди. Суд уни беш йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

— Адашдим, — деди Сирожиддин Салимов суд залида бошини қуйи эгганча.

Ҳа, у яна бир бор қинғир ишга қўл урди. Бироқ бу галгиси қимматга тушди. Зеро, бу хатони билиб туриб содир этганди.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

КИЛМИШ-КИДИРМИШ

# ДАЛА ҲОВЛИДАГИ «ТУЗОҚ»

Асли наманганлик 3. Зухриддин 41 ёшни қоралаган, икки фарзанднинг отаси. Тақдир тақозоси билан Чирчиқ шаҳрида яшайди. Бир қарашда оқни оқ, қорани қорага ажратадиган бўлибди-ку, деб ўйлашингиз мумкин. Бироқ унинг уч марта жиноятга қўл уриб жазолангани, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаганини билгач афсус билан бош чайқайсиз.

У 2004 йил декабрь ойида Амнистия туфайли озодликка чиққач, кўп йиллик кадрони, Юқоричирчиқ туманилик Игорь Тенни кўриб қолди. Унинг онаси Паркент бозорида ул-бул сотар, ўзи эса эски буюмлар билан савдо қиларди. Икковлон ўзаро жинорий тил бириктириб, дала ҳовлилар томон йўл олишди. Нотаниш жойда ишни бажара олмай изза бўлиб қолишидан чўчиган Игорга 3. Зухриддин

далда бериб, у ерларни яхши билиши, акаси ҳам ўша дала ҳовлилар атрофида яшашини тушунтирди.

Биринчи «ўлжа» туманининг Навбахор кўрғонидидаги фуқаро Б. Каримовга тегишли дала ҳовли бўлди. Улар симтўрдан ошиб тушиб, уйга киришди ва эшикни бузиб велосипед, газ балони, самовар, чарм курткаи, идиш-товоқлар каби 150 минг сўмлик буюмларни ўғирлаб кетишди. Бироқ иккита самовар оғирлиги учун симтўрдан олдига ташлаб кетишди. Қолганларини Чирчиқ шаҳар бозорига олиб бориб пуллашди.

Бошқа гал шу худуддаги Л. Никольскийга тегишли дала ҳовлига ўғирликка тушиб, 609 минг сўмлик уй-рўзғор буюмларини ўғирлаб кетдилар. Йўлда буюмлар оғир бўлганлиги, қолаверса, кун ҳам ёришиб бораётгани сабабли музлаткич

мотори, болалар ваннаси, вентилятор, керогаз, аккордион, қозон, тоққайчи, бидон, этикни ташлаб кетишди. Қолдириб кетилган буюмларни топиб олган қоровуллар эгаларига қайтаришди. Бундай ўғирликка қўл ураётган кимсаларнинг изига тушган ички ишлар ходимлари қоровуллар билан жипсроқ ҳаракат қилиш режасини туздилар.

Бунгача икки ҳамтовоқ «Прогресс», «Текстилшик», «Ҳамдам» дала ҳовлилар уюшмаларига қарашли дала ҳовлиларини ҳам «тозалаб» кетишга улгуришди. Бироқ қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганларидек, улар Г. Колесниковнинг ҳовлисида қўлга олиндилар.

Ҳозирда 3. Зухриддин яна қонун олдида жавоб бермокда. Унинг шериги эса ер чизиб ўтирибди.

Шерали АНВАРОВ,  
капитан.

# ҚЎРҚИШ ЭМАС, ОЛДИНИ ОЛИШ ЗАРУР

**Онкологик хасталиклар, хусусан, саратон (рак) касаллиги кўпчилигимизнинг онгимизга давосиз дара сифатида ўрнашиб қолган. Лекин аслида-чи? Бугун эътиборингизга республика Онкология илмий маркази бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Дониёр ҚОСИМОВнинг саратон касалликлари ва уни даволаш усуллари хусусидаги фикрларини ҳавола этамиз.**

## ТАБИБЛАР ДЕЙДИКИ...

● Оқ қон (раки) касали билан оғриган беморлар асаларининг мумидан кунига бир марта, нахорга гургурт чўпи бошчаси миқдоридан тановул қилсалар, қувват бўлади (асалари муми қизил қон таначалари пайдо бўлишига ёрдам беради).

● Кунига 100 гр (катта ёшдагилар учун, болалар 30-50 гр) тоза асални бир неча марта бир чой қошиғидан оғизга солиб, иложи бори-ча узокроқ тутиб турилади ва ейилганда (20 кундан кейин) қондаги лейкоцитлар сони, гемоглобин сезиларли кўпаяди.

● Ўрик туршаги «А» дармондорисига бой бўлгани боис онкологик касалликларда қувват берувчи манбалардан бири ҳисобланади. Уни қуруқ ҳолида ёки ивитиб, компот тарзида истеъмол қилиш мумкин.

● Яра ҳолидаги хавfli ўсмани даволашда анор уруғини майдалаб талқон ҳолига келтириб асал билан аралаштириш ва суриш наф келтиради. Шунингдек, нордон анор шарбатини паст оловда қайнатиб, асал аралаштириб суриш ёки истеъмол қилиш ҳам хавfli ўсма яраларидаги ўлган тўқималарни емиради.

● Гулҳамишабахор (календула) гулини никотин кислотаси билан аралаштирилгани ошқозон саратонини даволашда фойдали. Буйрак саратонида эса ушбу гул асал билан тенг миқдорда аралаштирилиб овқатлангандан икки соат кейин ярим чой қошиқдан ичилади.

● Гулҳамишабахорнинг барги, пояси ва гуллари аралаштирилган ҳолда шарбати сиқиб олиниб, кунига бир марта бир ошқошиқдан ичилса, ошқозон саратонига даво бўлади.

## КАСАЛЛИК ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Саратон эпителий тўқимасида ривожланган хавfli ўсмадир. У тўсатдан пайдо бўлмайди. Хасталикка биринчи галда одамнинг қаттиқ рухий зўриқиш (стресс)ни бошдан кечириши, ташқи муҳит-экология, озик-овқат маҳсулотлари орасида кимёвий (нотабий) моддаларнинг мўл бўлиши, ноқобил ҳаёт тарзи: спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик, тамаки маҳсулотларига, нос чекишга ружу қўйиш ёки касалликнинг наслдан-наслга ўтиши кабилар сабаб бўлиши мумкин. Тиббиёт илмининг Султони Абу Али ибн Сино бу касаллик ҳақида: «... саратон кўпинча, говак аъзоларда пайдо бўлади... хотинларда кўпроқ учрайди. У асабга бой аъзоларда ҳам кўп бўлади» деб ёзган. Саратон кўпинча сурункали кечадиган паталогик ўзгаришлардан сўнг ривожланади. Шунингдек, тери, меъда, бачадон, буйиндаги узок вақт битмайди яралар, сут безлари фиброаденоматози (қаттиқлик, қаттиқ безлар), терида учрайдиган оқ доғлар (лейкоплакия), таъсирида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Лекин юқоридаги касалликлардан албатта саратон келиб чиқаркан деб тушунмаслик керак.

Шуни таъкидлаш зарурки, саратон касаллиги йилдан-йилга кўпайиб, ёшариб бормоқда. Ҳозирги пайтда хасталикнинг баъзан ҳатто ёш болаларда ҳам учраётгани ечимини кутаётган жиддий муаммодир. Аёлларда, айниқса, туғиш ёшидаги жувонларда сут бези, бачадон саратоннинг кўп учраши аборт қилдиравериш оқибатидан келиб чиқмоқда.

Касалликнинг бошланғич даври оғриқсиз кечади. Яъни инсон организмиде яхлит бир ҳолга келтириб туривчи хужайралардан бири организм «назоратидан» чиқиб кетиб, ўз ҳолича ривожлана бошлади. Назоратсиз қолган хужайра катталашиб, касаллик туғдирувчи ҳолга

келгунича орадан йиллар ўтиши мумкин. Таъкидлаш керакки, бундай хужайра ҳар бир организмда мавжуд. Бироқ у доим ҳам саратон касаллигини келтириб чиқарувчи хусусиятга эга бўлавермайди.

Касаллик пайдо қилувчи хужайра ҳеч қандай белгисиз ривожлана бориб, танадаги маълум бир аъзони емириб тугатгандан кейингина ўзининг мавжудлигини билдиради. Масалан, баъзида бемор таом истеъмол қилгандан кейин ошқозонни оғирлашиши, яъни «овқат ботмаслиги»дан шикоят қилиб, ҳазми кучайтирадиган нарсаларга ружу қўяди. Вақт-соати етгач эса, овқат ботмаслигига сабаб ошқозонда саратон касаллиги пайдо бўлганлигидан экани аён бўлади. Ёки бемор то нафас олиши қийинлашиб, нафас йўллари бўғилиб қолмагунча ўпкасида юз бераётган ўзгаришларга аҳамият бермайди.


Саратон ҳам бошқа хавfli ўсмалар каби ўзи ўрнашган жойдаги тўқималарни емиради. Лекин бунда хавфсиз (етилган) ва хавfli (етилмаган) ўсмаларни фарқлаш лозим. Хавфсиз ўсма ўзи пайдо бўлган жой атрофидаги тўқимани итиради, суради, баъзан сиқиб қўяди, лекин уларни емирмайди. Хавfli ўсма эса, юқорида айтганимиздек, тез ривожланиб, бошқа тўқималарга ўсиб кириб, уларни тез емиради. Бундан қон томирларга ҳам шикаст етади. Қон ва лимфа томирлари деворининг емирилиши натижасида тушган ўсма хужайралари бошқа аъзо ва тўқималарга метастаз беради. Оқибатда ўсманинг иккиламчи тугунлари – метастазлар ҳосил бўлади, яъни у тарқаб кетади. Ўсма бутунлай олиб ташланмаса, у қайтадан ўсиб чиқади. Касалликнинг бу хусусиятига Ибн Сино «... саратон деб аталиши икки ваҳддан: ё қисқичбақа ўз овига ёпишгани сингари бу шиш ҳам аъзога ёпишганлигидан ёки кўпинча кўриниши юмалоқлиги, ранги ва атрофларидан қисқичбақа оёқлари каби томирлар чиқиши сабабли ...» дея нисбат берган.

## АБУ АЛИ ИБН СИНО ЎТИТЛАРИ

● ... (саратон билан оғриган беморга) арпа суви, тошлоқ балиғи, илитилган тухумнинг сариғи... (наф беради).

Агар унда ҳарорат бўлса, сигир сути қатигининг ёғи олинган янги айрони ва ҳўл сабзавотлар, ҳатто қовоқдан тайёрланган овқат берилади.

● ... тегирмон тошининг ва қайроқ тошининг (ишқаланганда тушган) кукуни ҳамда кўрғошин ҳавончага гул ёғи ва кашнич суви каби суоқликни қуйиб, кўрғошин даста билан ишқаланганда чиққан нарса (сара-



тон пайдо бўлган аъзога) чапланади (бу саратонни зўрайишдан тўхтатади).

● (Саратон пайдо бўлган жойга) узум гўрасини янчиб қўйиб, боғлаш ҳам яхши фойда етказади.

● Ярага айланган (саратонни) даволаш- да... кано латтани итузум сувига ботириб, доимо яра устига қўйиб турилади, латта қуришга яқинлашганда уни (қайтадан) ҳўллаб турилади.

● Семизўт суви ёки испағул шираси билан ювилган тўтиёнинг ўзи фойда етказади.

● Думбул зайтуннинг ёғи, гулҳамишабахор суви ёки коху (салат) шираси қўшилган кўрғошин упаси аралаштирилиб (сурилганда) саратоннинг ярага айланганининг олдини олади.

## ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Кўпчилик саратон касаллигини «даволаб бўлмайдиган дард» деб билади. Лекин хасталик белгилари ўз вақтида аниқланганда уни даволаб, беморнинг умрини бир неча ўн йилларга узайтириш мумкин. Касаллик асосан комплекс усулда: кимётерапия, нуртерапия, иммунотерапия, гармонотерапия, жарроҳлик каби йўллари билан даволанади. Даво чоралари ўсма пайдо бўлган аъзога, унинг ривожланиш босқичи, тузилишига, беморнинг ёши кабиларга қараб белгиланади.

Касалликнинг олдини олишдаги асосий талаблардан бири ҳар бир инсон ўз саломатлигининг қадрига етишидир. Бунинг учун аввало, шифокор кўригидан ўз вақтида тўлиқ ўтиб, организмда, баданида юз берган, бир қарашда арзимасдек туялган ўзгаришларга, шилиниш, яра, тирналиш, шиш, қаварчиқ, хол кабиларга ҳам жиддий эътибор билан қараб, ўзбошимчалик билан даволамаслик, дарҳол мутахассис шифокорларга учрашиб, муолажа чораларини кўриш зарур. Айрим аъзолар касалланганда тортиниб, уялиб, шифокорга кўрсатмаслик бемор учун фақат зарар келтиришини унутмаслик лозим.

Барча ўсма касалликлари, хусусан, раkning олдини олиш ишлари икки хил йўналишда, яъни хасталикнинг келиб чиқишига (гигиеник профилактика) ва уларнинг ривожланишига қарши (раkning клиник профилактикаси) тадбирлар ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

Гигиеник профилактика инсон организмга канцероген таъсир кўрсатадиган омилларни йўқотиш ёки уларнинг миқдорини камайтиришдан, клиник профилактика эса ўсма олди касалликларини ўз вақтида аниқлаб, даволашдан иборат. Касалликнинг тарқалиш тезлиги организмнинг иммунобиологик ҳолатига ҳам боғлиқ. Бу эса инсоннинг тўғри овқатланиши демакдир. Шунингдек, доимий ҳаракатда бўлиш, жисмоний тарбия ва спорт ҳам саломатлигимизнинг гаровидир.

## ТАБИБЛАР ДЕЙДИКИ...

● Жигар ва тухумдонлар саратонида: бўзноч (бессмертник) ўсимлиги гулидан уч чой қошиғи қайнатилиб, совитилган икки стакан сувга солинади. Тез-тез чайқаган ҳолда икки-уч соат дамлаб, докадан ўтказилади. Кунига ярим стакандан овқатланишдан ўттиз дақиқа олдин (4 маҳал) ичилади.

● Онкологик касалликлар билан оғриган беморларга момоқаймоқнинг барча баргларида тайёрланган салат фойдали. Бунинг учун 100 грамм барра барглар 30 дақиқа совуқ намакобга солиб қўйилади. Кейин суви сирқитилиб, 50 грамм барра кўк пиёз, 25 грамм петрушка майдаланади ва ўсимлик ёғи қўшиб, аралаштирилиб, устига укроп сепиб истеъмол қилинади.

● Баргизубнинг барра барглари терилиб, ювилади. Майдалаб тўғралади ва шакар аралаштирилиб илик, қоронғи жойда икки ҳафта сақланади. Ошқозон, ўпка ва ичак саратони билан оғриганлар овқатдан 30 дақиқа олдин кунига уч – тўрт марта бир ошқошиқдан ичилади.

● Оғиз бўшлиғи ҳамда жинсий аъзолар саратонида бўтакўз гулининг шарбати ёки талқони ичилади (ташқарида бўлса, сурилади).

● Томоқ саратонида: икки – уч литр сувга 0,5 кг сули ва унинг сомони солиниб, оғзи ёпиқ идишда паст оловда 20 дақиқа қайнатилади. Қайнатма билан беморнинг бадани 30 сония ишқалаб артилади. Сўнг бемор дарҳол иссиқ ўраб, ётқизилади. Баданда кўк ёки қизил доғлар пайдо бўлиши бемор муолажадан наф топаётганидан нишона.

# ОЧ «БҮРИ»ЛАР

*Шу йил ўн иккинчи февраль кuni кўнғиротлик Кенес (исмлар ўзгартирилган) опасидан хабар олиш учун Хўжайлига келди. Бирпас ўтиргач, ундан пул олиб, шаҳар айлангани чиқди. Афсуски, шаҳар кўркидан завқлана олмаган Кенес зерикиб, тамаддиҳонага кирди ва «шайтон суви»дан ичди. Бироз кайфи ошгач кўнгли ўғирлик қилишни тусаб қолди. Бироқ кун ботиб, қоронги тушиб қолганда ҳам хўрандалар аримаётганидан ҳафсаласи пир бўлиб, охириги пулини сарфлаб ташқарига чиқди. Опасиникига борса, эртага яна йўлга учун пул сўраши керак. Яхшиси шу ўртадан бошпана топиши лозим. Акс ҳолда бу изғиринда қотиб қолиши ҳеч гап эмас. У шундай ўйлар оғушида умид билан касалхона қоровулининг кулбасини тақиллатди.*

натга хиёнат қилганида ҳозир улфатчилик қилмасдик. Қайтиб келишса зиёфатни яна давом эттирамиз.

— Тўппа-тўғри, йигит сўздан, арслон изидан қайтмайди, — деди Жалғас. Майрамбек икки кун ичида қайтариш шарт билан пул берди. Икки улфат Нукусга етиб келиши билан совуққа чиқолмай бозор атрофидаги ошхоналарнинг бирига киришди. Бу ерда яна ичкиликбозликни давом эттиришди. Энди баландпарвоз сўзларни гапиринишга мажоллари етмас, руҳлари тушган, яна қорин тўйдириш, бошпана топиш муаммоси кўндаланг турарди. Жалғас сўнги бор пиёлаларни тўлдириб ароқ қуйиб шишани бўшатаркан, столни оҳиста чертиб деди:

— Мен бор эканман, муаммога ўрин йўқ. Боя йўқ жойдан пул ундирдимми, демак, пойтахтдан ҳам қуруқ қайтмаймиз.

— Суякдан ўтиб кетадиган совуқда туриб, йўлтўсарлик қилишни истамайман, — тўнғиллади Кенес.

— Болаликдаги ишларни эслатиб кулгимни қистатма, — беўхшов қулди Жалғас.

— Нима қилсанг қил, лекин билиб қўй, пул топмаганимиз, кўчада қолганимиз дегани. Ҳозир одамлар бегоналарга бошпана бериш уёқда турсин, дайди итлардан ҳам бир бурда ноиларини аяшади, — деди Кенес ваҳимага тушадиганини яширмай.

— Кўп алжирайверма, ўлимдан бошқасининг чораси бор. Қолаверса, биз дайди ит эмасмиз. Бўрига қиёсласанг тўғри бўларди. Хид олиб, ўлжамизни излаб келаямизми, демак, ҳужумга шай туришимиз керак. Жалғас бир сипқориб пиёлани бўшатди-да, кирдан ятираб кетган камзулининг ёқасини ҳидлаб қўйди. Шундан сўнг Кенесга яқинроқ ўтириб, гапида давом этди: — Битта хонадонни биламан, тижорат билан шуғуланувчи оила бошлиқлари уйда кам бўлишади. Усталар билан хоналарни таъмирлаб бергандик. Уйдаги ҳолат менга маълум. Важдатимиз бўридай бўлса, овдан қуруқ қайтмаймиз.

Кўз олдига даста-даста пуллар келган Кенес дар-ҳол рози бўлди. Эшик кўнғироғи жириглаганда Д. Жақсимуротова остонада ўлим рўпар турганини хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Мен уйингизда ишлаган уста Жалғасман, — овоз келди ташқаридан. Қиз хо-

тиржам эшикни очди. Кейинги воқеалар худди кинолардагидай тез содир бўлди. Жалғас қизнинг бўғзига пичоқ тираб, пуллар қаердалигини сўради. Нималар бўлаётганига ҳамон ақли етмаётган қиз пул турган жойни кўрсатди. Жалғас ўзини ўша томонга урди. Икки юз минг сўмни олиб, ярмини пайпоқлари орасига тикар экан:

— Атиги юз минг топдим, — деб шеригини лақиллатмоқчи бўлди.

Бу пайда қиз қочишга уриниб, бошқинчи билан шиддатли олишарди. Шеригининг юз-кўзи тирналиб, қонга беланганини кўрган Жалғас қизнинг кўксига тиг санчди. Шу тарика «бўри»лар бир оиланинг орзумидларини армонга айлантиришди.

Бу мудҳиш хабардан Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг талабалари ҳам қаттиқ ларзага тушишди. Чунки Д. Жақсимуротова аъло ўқиши, юриш-туриши, одоб-ахлоқи билан курсдошлари қалбидан жой олган эди.

Жиноят уч кунда фoш этилди. Албатта, бунда фуқароларнинг ҳушёрлиги асосий роль ўйнади. Уларнинг ёрдами билан жиноятчиларнинг фотороботлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖК ва ТҚКБ катта тезкор вакиллари, подполковник Жолдас Сапаров, майорлар Бахит Нурмашев, Мурод Қидрячев, Нукус шаҳар ИИБ ЖК ва УЖККБ бошлиғи, майор Ботир Маткаримов ҳамда эксперт-криминалист, майор Темур Сарсенбаевлар фидойилик кўрсатишди. Жиноятчилар албатта қилмишларига яраша жазо олишади. Бироқ аламли, аччиқ саволлар кўнглини ўртайди.

Ушбу жиноят содир бўлмаслиги мумкинми? Қамокдан қайтган шахсларнинг такрор жиноят қилишига сабаб нима? Оила аъзолари, қолаверса, маҳалла, овул раҳбарлари ва фаолларининг эғтиборсизлигимиз? Ўз бурчини унутган касалхона қоровули ва масъул ходимнинг хатти-ҳаракатларини қандай изоҳлаш мумкин?

Атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан жиддий муносабатда бўлиш, тинч, фаровон турмушни таъминлаш учун фидойилик кўрсатиб, фаол ҳаракат қилишга ўзимизда мудом куч топа оламизми? Ҳа. Бунинг учун ҳар биримизда шу юртга эгаллик, ҳушёрлик ҳисси ҳаётий заруратга айланмоғи лозим.

**Дурдидбой. Худойшукуров.**

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР

Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ИИБ томонидан қўйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.



**Иномжон Ниёзович ТУРҒУНБОВ.** 1970 йилда туғилган. Олмалик шаҳар, 5/12 миттитуман, 3-уй, 3-хонадонда яшаган. 2002 йил август ойида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, ўртача гавдали, сочи ва қош-кўзлари қора, қалин, юзи чўзиқроқ, бурни катта, лаблари қалин.

**Алоҳида белгилари:** чап қўлининг елка қисмида қалқон сурати туширилган татуировка бор.

**Кийимлари:** эғнида жигарранг костюм, кулранг кўйлак, қора шим, оёғида калиш бўлган.

\*\*\*

**Алла Арабжонова ЗАМАНОВА.** 1976 йилда туғилган. Олмалик шаҳар, Металлурглр кўчаси, 18-уй, 42-хонадонда яшаган. 2004 йил 17 май кuni уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



**Белгилари:** 160-165 см, озғин гавдали, кўзлари жигарранг, қисик, сочлари қора, қиррабурун, қошлари ингичка, лаблари қалин.

**Кийимлари:** эғнида қора юбка, енги калта ҳаворанг кофта, оёғида жигарранг туфли бўлган.

\*\*\*

**Сергей Викторович ГЕРАСИМЕНКО.** 1976 йилда туғилган. Олмалик шаҳар, 5/2 миттитуман, 9-уй, 23-хонадонда яшаган. 2004 йил 26 август кuni уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.




**Белгилари:** бўйи 165-170 см, озғиндан келган, сочи кўнғир-қора, кўзи тўқ жигарранг, лаблари қалин, қошлари қора, қалин.

**Алоҳида белгилари:** бўйинининг қисмида хол, ўнг оёғининг болдир қисмида 10-15 см катталиқда жарроҳликдан қолган чандиқ бор.

**Кийимлари:** эғнида кулранг ипак матоли кўйлак, кўк рангли, ён томонида оқ йўлли трико, оёғида қора шиппак бўлган.

\*\*\*

**Бахтиёр Маматкулович ДАДАКОВ.** 1960 йилда туғилган. Олмалик шаҳар, Раҳимов кўчаси 9-уйда яшаган. 2004 йил 21 сентябрь кuni эрталаб уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



**Белгилари:** бўйи 170-175 см, ўртача гавдали, сочи ҳамда кўзлари қора, қошлари сийрак, ёйсимон, лаблари қалин, қулоқлари ёпишган.

**Алоҳида белгилари:** чап оёғининг тиззасида 5 см катталиқда чандиқ бор, тишларининг айримлари оқ металлдан.

**Кийимлари:** эғнида енги калта кўк-жигаррангли кўйлак, қора шим, оёғида шиппак бўлган.

\*\*\*

**Елена Владимировна САФИНА.** 1971 йилда туғилган. Олмалик шаҳар, Улугбек кўчаси, 73-уй, 1-хонадонда яшаган. Россия Федерацияси фуқароси. 2004 йил Тошкентга келиб, қайтмаган.



**Белгилари:** бўйи 175 см, озғин гавдали, юзи чўзиқроқ, сочи қорага бўялган, узун, қошлари сийрак, кўзлари қора, лаблари ингичка.

**Алоҳида белгиси:** ўнг оёғининг болдир қисмида туғма доғ бор.

**Кийимлари:** эғнида жигарранг чарм камзул, турфа рангли блузка, тўқ яшил шим, оёғида қора калта кўнжли этик бўлган.

*Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини биланлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Олмалик шаҳар ИИБга хабар беришларини сўраймиз.*

### ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

<p>Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» Республика бирлашмаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Қашқадарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Ф. Ҳасановга синглиси</p> <p><b>Мукаррам ҲАСАНОВА</b>нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	<p>Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИПХ бригадаси вертолёт гуруҳи катта инспектори, капитан И. Исхомбековга укаси</p> <p><b>Улугбек ИСХОМБЕКОВ</b>нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.</p>
<p>Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЙХХБ ИПХ инспектори, катта сержант</p> <p><b>Шавкат ШОДМОНҚУЛОВ</b>нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	<p>Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғи, полковник Қ. Қўлдошевга падари бузруквори</p> <p><b>ИБОДУЛЛА</b> отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>
<p>Республика ИИБ Ҳарбий сафарбарлик ишлари ва фуқаролар муҳофази бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник С. Колмиқовга отаси</p> <p><b>Алексей КОЛМИКОВ</b>нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.</p>	<p>Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бўстонлик туман ИИБ тергов бўлими бўлини бошлиғи, майор</p> <p><b>Рўзимат МАҲКАМОВ</b>нинг фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>
<p>Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Сирдарё вилояти ИИБ ТИБ бошлиғи, полковник Қ. Қўлдошевга падари бузруквори</p> <p><b>ИБОДУЛЛА</b> отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.</p>	<p>Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Нурота тумани ИИБ вақтинча ушлаб туриш иззояторининг бошлиғи, майор</p> <p><b>Олимжон ЮСУПОВ</b>нинг фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этадилар.</p>

### МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН



**Баҳор чоғи саҳар боғларга югур,  
Субҳи саболардан сўра эртанги,  
“Келажак сеники” жилмаяр гуллар,  
Илҳом тўла қалбинг қаршилар тонгни.  
Тонглардай беғубор, асл ёшлигим  
Гуллар-ла сирлашган фасл ёшлигим.**

Зилола ХҲЖАНИЁЗОВА.

## ЮРИДИК АТАМАЛАР ИЗОҲИ

**АЖРАЛИШ (НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ)** — эр ва хотиннинг ҳаётлигида никоҳнинг бузилиши натижасида ажралиш йўли билан бекор бўлишидир. Ажралиш тартиби ва асослари қонун билан белгиланади. Никоҳ одатда суд орқали, баъзи ҳолларда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлимларида бекор қилинади. Судда эр-хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига биноан никоҳ бекор қилинади. Эр, агар хотини ҳомилдор бўлса, шунингдек, фарзанд туғилганига ҳали бир йил тўлмаган бўлса, хотиннинг розилигисиз ажралиш ҳақида судда даъво қўзғатишга ҳақли эмас. Бу қоида фарзанд

ўлик туғилганда ёки у бир ёшга тўлмагунча ҳам амал қилади. Хотин киши ҳар қандай ҳолатларда ҳам ажралиш ҳақида судда даъво қўзғатиши мумкин. Агар эр-хотиннинг вояга етмаган, яъни 18 ёшга тўлмаган фарзандлари бўлмаса ва улар ўртасида мулкий низо бўлмаса ёки ҳар иккиси ажралишга рози бўлса, никоҳ ФХДЁ бўлимида бекор қилинади.

**АХЛОҚ** — кишиларнинг бир-бирларига, оилага, Ватанга, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси. Ахлоқ ҳар бир кишининг ҳулқи-ни кўрсатади. Ахлоқ сифатига миллий урф-одатлар,

анъаналар таъсир қилади. Баъзи миллатлар вакиллари ўртасидаги муносабатларда оддий ҳол деб қараладиган хатти-ҳаракатлар бошқа миллатлар ахлоқ қоидаларида рад этилиши мумкин. Ахлоқнинг юксак даражада бўлиши жамият ривожига бевосита таъсир қилади ёки аксинча. Ахлоқ меъёрлари ҳуқуқий меъёрлардан фарқ қилиб, мажбурий хусусиятга эга эмас. Ахлоқий меъёрлар урф-одат, шахсий намуна, жамоатчилик фикри таъсирида вужудга келади. Ахлоқий меъёрларга риоя қилиш ихтиёрий бўлиб, виждонга боғлиқ. Унга риоя қилмаганларга нисбатан оммавий қоралаш, жамоат иззаси қўлланилади.

(Давоми бор).

**Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!**

**Мурожаат учун телефонлар: 139-73-88 139-75-37**

Бизнинг электрон манзилимиз: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)

## СОЧМА ФАРИДАНИНГ КҮНГИЛ БИТИКЛАРИ

«...Қишлоғимиз тепасидаги булоқдан челақда сув олиб келган синглим айтиб қолди: «Бинафша очилибди...» Бинафша! Тасаввуримда бинафшанинг гул чеҳраси жонланди. Булоқнинг шаддод томчилари «шўхлик» қилиб унинг юзидан бўса оладилар-да, қочиб қоладилар. Бинафша эса бу қутилмаган «юзсизлик» дан бир титрайди-ю, аммо кейинги «шўхлик»ни кутгандек ифорини сочиб тураверади... Бир кун албатта булоқ бошига бораман!»

«...«Опажон, нега қалдирғочнинг қанотлари қора?»

«Синглим, менинг жон сингилганим, қалдирғоч меҳр-мурувват, саховат элчиси эканлигини биласанми? Шунинг учун у барча ёмонликларни ортига яширгандир, елкасига олгандир. Лекин сен унинг бағрига қара, бағри қандай оппоқ! Қораликни ортга отиб, покликни инсонларга кўрсатиб келатган илоҳий қуш бу!»

«...Деразамнинг олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади...»

Менинг ҳам деразам олдигинасида ўрик бор. У ҳам оппоқ бўлиб гуллади. Ойнадан ўрик гулларини завқ билан томоша қилиб тургандим, шу пайт акам

дарахтнинг бир шоҳига ногоҳ тегиб кетди. Шу заҳоти уст-боши пушти гулга чулғаниб қолди. Ер пуштиранг, акамнинг сочлари, ҳатто, юз-кўзларига гулпарчалар илашган... Шоҳ силкиниб кетган чоғда бир гала асаларилар гув этиб атрофни тутиб кетди. Гўёки, рашк қилгандек зув-зувланиб ўрикка нималардир дегандек бўлишди ва яна гул-ғунчалар бағрига ўзларини уришди... Қанчалар чиройли, қанчалар завқли!

«...Бугун қўшни аёл сумалак олиб келди. Менга илинибдилар. «Малика, — дедилар, — сенга ўхшаган ўттиз малика пиширган таом, етказганига шукр деб тановул қилгин».

Раҳмат сизга, қўшни аёл! Сиз саховатли халқимнинг бир тимсолисиз! Сиз менга сумалак эмас, дармон олиб келдингиз ва шунинг баробарида охишларга нисбатан муҳаббатимни ошириб келдингиз. Ҳа, дунё меҳрага тўла, дунё яшиликларга тўла, фақат... менинг кўнглим ярим. Эҳ, қанийди, ҳозир оёқларимга жон битсайди...

Фариданинг дил сўзларини  
Эркин САТТОРОВ оққа кўчирди.

### ЦИКЛОСКАНВОРД

1. Эрта куклам	2. Баҳор гули	3. Сумалак анжоми	4. Субҳидам	5. Тоғ атир-гули	6. Экинзор	7. Гуллар шаҳри
8. Илк чечак	9. Тинчлик гули	10. Инсоният	11. Яшил патли қуш	12. Гул тури	13. Таом хуруши	14. Шифо гивёҳи
15. Усимлик аъзоси	16. Ҳайинчак	17. Анжуман	18. Омилкор			

### Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишда сизнинг фикрларингизни билиш ниятида-миз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгирик қилинг!

Телефон: (371) 139-73-88

Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса кўйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

**ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА:** Телефон. Эрмак. Матал. Робия. Тақик. Тан. Валет. Хут. Та. Об. Кан. Тир. Тинчлик. Ҳам. Зенит. Салат. До. Оқ. Ли. Ма. Асо. Тор. Мансур. Гурунг. Ока. Ари. Ва. Ту. Си. Оз. Бейб. Манас. Фол. Фунажин. Рам. Баб. То. Ас. Бак. Куруқ. Оми. Мадад. Мироб. Атала. Сабоқ. Платина.

**БҮЙИГА:** Одамови. Ертут. Осака. Фақир. Матиз. Она. Бобур. Ҳақ. Ре. Ел. Ром. Кит. Нонушта. Туб. Қатик. Уйғоқ. Ем. Ит. Бу. Ал. Лат. Ота. Етакчи. Шахмат. Фан. Или. Ол. Ис. Ми. Ан. Вокал. Санам. Раб. Лимузин. Сас. Чол. Ҳа. Ар. Дам. Бекат. Туа. Сабаб. Ситам. Монро. Мадор. Нарғиза.

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

<b>Bosh muharrir</b> Aziz ERNAZAROV	Bosh muharrir o'rinbosari Murod TILLAYEV Mas'ul kotib Erkin SATTOROV	Navbatchi: Qobiljon Shokirov Sahifalovchilar: Zokir Boltayev Nikita Slavgorodskiy Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova	Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.	Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi. Kelgusi sonda uchrashguncha xayr!
<b>MANZILIMIZ:</b> 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1	<b>TELEFONLAR:</b> Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60; Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51 E-mail: <a href="mailto:urmvd@globalnet.uz">urmvd@globalnet.uz</a>	Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankinging Mirzo Ulug'bek bo'limi.	«O'zbekiston» nashriyot- matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.	Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2190. Boshliq - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55969 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.